

**Саид АНВАР**

# **ҚИШЛОҒИМИЗ ҚИЗИҚЧИЛАРИ**

*(Ҳажвиялар, ҳангомалар)*

Саид Анвар «Ораликдаги одамлар», «Отамнинг оти нимаиди?», «Муҳиддин Дарвеш», «Абдулла қизиқ нима дейди?» китоблари билан кулги мухлисларига яхши таниш. Ёзувчининг «Осмондан тушган одамлар» комедияси «Йилнинг энг яхши драматик асари» номинацияси бўйича Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг, «Уч кун хўроз бўлганим» китоби эса, Республика Матбуот қўмитасининг мукофотлари сазовор бўлган.

Саид Анварнинг ушбу тўпламидан қишлоқ ҳангомалари ўрин олган. Ишонамики, кулгига бой бу китоб ушбу «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлик йили»да ўқувчиларимизга яхши бир совға бўлади.

## ҚЎШНИЛАР

Мамазия ака билан Тожибой бува қўшни. Ота-бувалари ҳам бир деворнинг икки ёғида яшашган экан. Турпоғи бир жойдан олинган бўлса-да, лекин улар икки хил одам: Тожибой бува новча, ҳар бир сўзни айтсамми, айтмасамми деб, салмоқлаб гапиради. Сўзлари каби қадам ташлари ҳам охиста: босайми, босмайми қабилада. Мамазия аканики акси: бўйи бувадан бир қарч паст. Юриши ҳам тез, гапириши ҳам. Одамлар, «Тожибой уйдан чиққунча, Мамазия тўйнинг шўрвасини ичиб, ошини еб қайтиб келган бўлади», дейишади. Касблари ҳам ўзгача: Мамазия ака колхозда баланд-паст ишларни қилиб юради. Тожибой бува бўлса, сартарош, Ҳамзаободда ишлайди.

... Мамазия ака кираверишдаги сўрида этигининг бир пойини кийиб турганди, эшикдан Тожибой бува кириб келди. Хол-аҳвол сўрашгач:

— Қани, сўрига, Тоживой ака, — деб Мамазия ака ичкарига буйруқ қилди: — Тўшакдан обчиқ.

— Тўшакни нима қиласиз, бир жойдаги одам бўлсак, — Тожибой бува сўри четига омонат ўтириб, ҳовли четидаги иморатларга бўйлай кетди.

Мезбон этигининг иккинчи пойини тортиб, савол назари билан қўшнисига қараб қолди.

— Ҳа, анача сиқилиб қолибсиз, — деди Тоживой ака беш дақиқача фурсат ўтгач. Сўнг Мамазияни қўққис савол тута кетди: — Катта ўғлингиз Мираалини уй қилиб чиқардингиз-а?

— Ҳа, дала шийпонининг бир томонига уй солиб бердик.

— Энди яна учтаси бор... Мирзаабдулла ҳам кузда армиядан келса керак?.. Униям уйлаш, жойлаш зиммангизда. Кейин Мирзағанига навбат келади...

— Ҳа-а-а... Ундан кейин Мирзавали ҳам бор...

— Бу ерга қайси бирини сиқтирасиз?

— Э-э-э! — Мамазия ака бир дам ўйланди. — Худо бир йўлга бошлар...

— Йўқ. Бир қарич ер олишдан кўра, игна билан қудуқ қовлаш осон бўлиб турган замон бўлса, бандаси йўл тополмайди.

Мамазия ака бу гапларни қовлашдан мақсад нима дегандай, қўшнисига қараб қолди. Тоживой бува эса, уйига ишора қилиб давом этди.

— Биздаям иккита ўғил бор...

— Қамбарали билан Акбарали.

— Ҳа-а... Акбаралини ҳам уйласам, учта оила бўламиз. Ўйлаб қарасам, бизам битта ҳовлига сиғмас эканмиз, — Тоживой бува тин олди. — Шунга, — деб яна сукут сақлади, — ҳовлимни сизга сотсам?

— А-а-а? — Мамазия ака қулоқларига ишонмади.

— Ҳа, ҳовлимни сизга сотсам, — Тоживой бува уни тасдиқлади. — Ўғилларингизнинг иккитасига уй-жой қилиб берсангиз бўлади.

Мамазия ака гангиб қолди: иккита-учта набирали, кап-катта одамнинг ота-бува яшаб ўтган жойни сотиши... Ақлга тўғри келмайдиган иш-да! Сотсинам, қаерга боради?

— Ташвишимни қилманг, — Тоживой ака қўшнисининг саволларни уққандай, — Биласиз, Ҳамзаободда ўн беш йилдан буён ишлайман. Қишлоқнинг етти яшаридан етмиш яшаригача мени танийди... «Уста бува, уста бува!» дейишиб ҳурматимни жойига қўйишади. Кўчиб келсангиз, уй-жой қуриб берамиз, дейишяпти.

Мамазия аканинг мияси энди буткул ғовлаб кетди: Ҳамзаободга кўчиб ҳам кетди, дейлик. Ҳовли-жой топтиям, у жойга қачон эл бўлади? Ёшиям элликдан ўтган бўлса... Ўлгандами?

Ота-онаси ўтган жой, пайшанба, якшанбада унинг ис-чироғи бор... Ярмини сотиб, бирорта ўғлини ўтказиб кетса бўлмасмикан?

— Биламан, қўлингизда ҳовлига етқулик пул йўқ. Суриштириб, бирортасидан қарз оларсиз... Балки мол-қўйларингизни сотарсиз...

Энди Мамазия ака чамалай кетди: «Сигир, бузук, қўйлар бозорда палон сўмга киради... Мирзаабдуллани уйлайман деб йиғиб қўйган бир-икки сўм пули ҳам йўқ эмас. Ўғил уйлаш ҳозир шартми? Бир-икки ишласин, пул топсин, кейин уйланаверади-да, йигит кишига уяти борми?

— Мол-қўйлардан кўзингиз қиймаса, беш-олти юзта терак экиб

қўйгансиз, ўшалар катта бўлса, сотарсиз, пулини берарсиз... Қирк йиллик кўшнилари, шунақада бир-биримизга оқбат қилмасак, қачон қиламиз.

«Ў! Мана буниси энди аломат таклиф бўлди!»

— Жа, ўйланиб қолдингиз? — Тоживой ака ўрнидан турди. — Сизга оғир тушадиган бўлса, шунча йиллик кўни-кўшничилик ҳурмати, пулини бермасангиз ҳам майли.

Бу ширин каломдан кейин, ярим соатда ҳар қандай одамни гап билан қулоғини қоқиб, қўлига берадиган Мамазия аканинг оғзига бир сўз келмади.

— Майли, келин билан маслаҳат қилиб, жавобини айтарсиз. Оладиган одам кўп, аммо, кўшничилик — минг йилчилик, гилам сотсанг кўшнингга сот, бурчагида ўтирасан, деган гаплар бор, шунга сизнинг олдингиз бир ўтай деб чиққандим... — Тожибой бува эшик томон юрди.

Гап-сўзлардан қарахт бўлиб қолган Мамазия ака:

— Қўшни, чой!.. — дея олди, холос.

Лекин бу илтифотга Тожибой бува парво қилмади.

— Жуда ғалати ишлар бўляпти-ю, — Мамазия ака анграйганча ўзича ўйлай кетди: — Ҳовлини оладиган бўлса, кўшнисиникига тираб солинган оғилни бузади — кенг ҳовли бўлади...

Кўшнисининг чап томонидаги бостирмасини олиб ташлаб, ўрнига Мирзаабдулла билан Мирзағанига уй солади. Келинлар чиқишмай қолса, чеккадан эшик очиб беради, биттаси алоҳида ўтраверади...

Томорқасига Мирзавалига жой қилади. Аммо йўли чотоқ бўлади. Э-э-э, кўчага акасиникидан ўтиб қатнайверади-да! Уй қуриб берганига шукр қилсин!.. Мирзаалини ҳисобга қўшмаганда, ҳамма ўғиллари атрофида бўларкан...

— Ҳа, нимага чиқибди? — тўшак кўтариб чиққан хотинининг саволидан Мамазия ака ўзига келди.

Ака суюнчилай кетди. Воқеани айтиб бераркан, гапининг охирида тўлқинланиб, қўлларини тепага кўтариб, силтаб юборди:

— «Пулини терак етилганда берсангиз ҳам майли, бир жойдаги одаммиз», деди. «Бермасангиз ҳам майли, қирк йиллик кўшнимиз,

шунақада бир-биримизга оқибат қилмасак, қачон қиламиз!» деди.

Хотини бир дам ўйланиб турди-да, чимирилди. Мамазия аканинг жаҳли чиқди:

— Худо бериб турибди-ю, сен яна лабингни бурасан! Хотин киши эканлигинга борасан-да!

— Ўлинг! Гапини укмабсиз-да! — хотини қўл силтади. — Кеча нима бало қилиб юровдингиз?

— Кеча?.. Райондан вакиллар келди, хўжаликларга кирдик. Ортиқча томорқаларнинг ҳисобини қилдик.

— Ўшаларга қўшилмасангиз нима қиларди!?

Мамазия хотинига ёвқараш қилди: «Мен нимани гапиряпману, бу хотин нима деяпти ўзи?»

— Тоживой аканикига ҳам кирганмидиларинг?

— Киргандик, — Мамазиянинг хаёлига бўлмағур фикр келиб, ковоғи осилди. — Томорқасида отиқча экан, бир сотихига колхоз пахта экадиган бўлди.

— Ҳа-а, шу бир сўтихни ҳисобга қўшиб нима қилардиларинг? Улар ортиқча экан дейишса ҳам, сиз, «Қўшним бўлади, қўйинглар, шуни ёзманглар, бир сўтихга пахта эккани билан колхоз бойиб қолармиди», десангиз, тилингиз узилиб тушмаганди-ю!

Мамазия акага масала ойдинлашгандай бўлди.

— Шундай демаганингизга, — хотини давом этди, — Тоживой ака, «Қирқ йил қўшничилик қилиб, сендан кўрган оқибатим шу бўлдимми? Сиздай қўшни билан яшагандан кўра, бу ҳовлини сотиб кетганим яхши эмасми?» деган гапни айтгани чиққан!

Мамазия ака Тожибой бува туриб кетган сўрига ўтириб, қўшнисиникига қараганча бош чайқади.

## ЭЗМА

Болаларнинг ғавғоси бартараф этадиган бир куч пайдо бўлди – телевизор! Ҳа ишонаверинг! Ишдан келасиз, ғинғир-ғирғир бошланса, «Бор телевизорингни кўр!» дейсиз, зумда тинчишади.

Аммо ғавғонинг каттаси ҳам телевизор бузилгандан кейин бошланаркан. «Тузаттир беринг, уста чақиринг!» Бир ёқда болалар эговлаб, иккинчи ёқда хотин жавраб тургандан кейин, бошингиз говлаб кетаркан.

— Исмоил уста олиб бор, — маслаҳат берди Жабборали кўшним.  
— Бир пастта ўнғариб беради.

— Қайси Исмоил?

— Тошпўлат индамаснинг ўғли-чи, пастмахалладан, — Жабборали тушунтира кетди. — Аммо боришдан олдин кулоғингга пахта тиқиб олгин. Исмоил жуда эзма бўлган, гапиравериб кулоғингни қоқиб, қўлингга беради, — ошнам кулди.

Паво қилмадим. Эзма бўлса нима, тузатиб берса бўлди-да, деб телевизорни велосипедга ордим.

Исмоилни танирдим, аммо ҳеч ош-қатик бўлмагандим.

Яхши, уста жойида экан, эшикни ўзи очди. Саломимни жавобсиз қолдириб, олдин менга, кейин телевизорга қараб, чиққан эшигини каттароқ очди. Устахонасига кирдик. Турли асбоблар қалашиб ётган, катта столга имо қилди, телевизорни қўйдим.

Уста телевизорнинг орқасини очиб, бир-иккита ашёларини суғириб, текширган бўлди. Сўнг стулини ортга суриб, сигарет тутатди. Менам эски телевизор устига чўкиб, у кишига кўшилдим. Сигаратлар кулга айланди. Аммо уста иягини силаганча ўтираверди. Ўзимча, телевизоримнинг касали ҳақида бош қотирыпти, деб ўйладим. Лекин беш, ўн, йигирма минут бош қотиришдиям, ўйлаб ўйларига етишолмади.

— Дарди оғирроқмикан? — деб сўрадим.

— Йўқ.

— Унда нега?..

— Паянникни Қамбарали олиб кетганди.

Тушундим. Қамбарали деганлари қўшни қишлоқда туради. Уям уста. Хойнахой, ярим соатда олиб келиб бераман деб паяннигини олиб кетган. Ҳозир келиб қолса керак, уста шуни кутяпти.

Жимгина ярим соат кутдик. Бу орада чекиш бўйича эълон қилинмаган мусобақамиз учу иккига етди. Олдинда мен.

— Шу... велосипедим бекор турибди... Қамбаралидан паянникни олиб келиб қўяқолсак бўлмайдами? — дедим тўртинчи сигаретни тутатиб.

Уста менга бир каради-ю, индамади. Аммо ўрнидан туриб, эшикка юрди. Ойнадан қарасам, велосипедимни миниб, жўнади.

Олдинига, «Шуни олдинроқ айтсам ўлармидим!» дедим. Кейин эса, «Ақл ўргатмай ҳар бало бўл! Оғзингни юмиб жимгина ўтирсанг бир бало бўлиб қолармидинг!» деб роса беш соату қирқ бир минут ўзимни ўзим сўқдим! Ҳа, беш соату қирқ бир минут сўқдим! Устахона очик қолган, ташлаб кетсам бўлмайди, бир. Телевизоримни ҳам очиб қўйган, уни беркитишинг ўзи бўлмайди, икки. Велосипедимни бўлса, уста миниб кетган — қаерга борардим, уч. Сўкиниб ўтиравердим!

Бу пайтда уста Қамбаралининг уйига борибди. Велосипеддан тушибди. Ариқ бўйидаги курсига ўтирибди. Шу ўтирганча ўтираверибди. Қамбаралининг хотини кир юваётган экан, сувга чиқибди. Сувни олиб кириб кетиб, кирига иситиб, ишлатиб, яна сувга чикса ҳам уста ўтирганмиш-да.

— Дадаси керакмиди? – келиннинг тили бор экан, хайрият сўрабди..

Уста бош қимирлатибди.

— Сайдилла аканикига кетганди.

Уста Саъдулланикига йўл олибди. Сайъудулла бир машина буғдойни кўчага тўктириб, тегирмонига ташиш билан овора экан. Уста унга бош қимирлатиб қўйибди-да, сигарет тутатиб, сўрига чўкибди. Яна ўтираверибди... Саъдулла бир машина буғдойни ташиб бўлибдиям ўтирганмиш-да!

— Ҳа, ака, тинчликмиди? – сўрабди ювиниб-тараниб чиққан Саъдулла.

— Қамбарали керак эди?..

— Қамбарали?.. Қамбар ака бу ерга келмади?.. — Саъдулла хайрон бўлиб, бир зум ўйланиб қолибди. Сўнг: — Э, адашим, ҳов, носпуруш Насриддин буванинг ўғли Саъдулла телевизорим бузук, уста айтиб келдим, деётганди, ўшаникидадир? — дебди.

Омадимнинг келганини қаранг: Саъдулланинг адаши Саъдулла туғилган куни баҳона, ўртоқлари билан, ҳовлида балиқ пиширишаётган экан. Устани ҳам даврага таклиф қилибди. «Жиндай-жиндай»дан бошланган ичиш, «охиригача ичиш»гача етибдиямки уста ўтирганмиш-да! Саъдулла охирги улфати кузатиб қайтиб:

— Тинчликмиди, устака? – деб сўрабди ҳарқалай.

— Қамбарали керак эди?

— Э, Қамбарали ака телевизоримни тузатиб, сиз келмасдан жиндай бурун, уйига кетганди!

Яхши, Қамбаралининг хотини кирини тамомламаган экан, ярим соатда сувга чиқиб қолибди:

— Паяннингизни ташлагани уйингизга кетовди! — дебди.

Энди бу ёғини чўзсам бўлмас-а? Сизниям вақтингизни олиб, жуда кўп гапириб юбордим.

Хуллас беш соату қирқ бир минут сўкинганим бежиз кетмади, эшикдан уста кириб келди.

Бир сўз демай паянникни тўкка сукдилар.

Телевизоримнинг орқаси теккиздилар...

Сўнг қопқоғини ёпиб, қўлидаги отвёркани тақ этказиб столга ташладилар-да, менга маъноли қарадилар.

Тушундим: телевизорни кўтариб, велосипедга ортдим.

Уйга келиб қўйсам, телевизорим бинойидай кўрсатиб турибди.

Жабборали:

— Қалай, кулоғинг битиб қолмади? — деб яна кулди.

Нимага кулади, хайронман. Куладиган иш бўлгани йўқ, менимча.



## МОЛЛАР

Ҳаммомдан бири новча, бири пакани йигит чиқди. Икковиням хўп буғлангани кўриниб турарди: юзлари кип-қизил. Паканаси хўжайинлардан бўлса керак, новчага гап уқтирирар, шериги қўли кўксиди, бош қимирлатарди. Йигитлар бегона бўлгани учунми, чойхонадагиларнинг диққати уларга бурилди. Йигитлар эса, бу эътиборга парво қилишмади: на салом беришди, на хол-аҳвол сўрашди, сўрилар орасидан машиналари томон ўтиб кетишди.

— Молга ўхшаганларни қара, — деди Сиддиқ ака қўлларини силтаб. — Отанг тенги одамлар ўтирибди, салом бериб куявер, сенлардан ош-нон сўрапими!

Сиддиқ аканинг оғрингани таъсир қилдими, йигитларнинг машинаси ўт олавермади. «ЧҒ-Ғ-Ғ-Ғ, ЧҒ-Ғ-Ғ-Ғ, ЧҒ-Ғ-Ғ-Ғ!» қилади, юришдан дарак йўқ. Новчаси тушиб, маторини ковлаштирган бўлди. Яна ўша «ЧҒ-Ғ-Ғ-Ғ, ЧҒ-Ғ-Ғ-Ғ, ЧҒ-Ғ-Ғ-Ғ!» Пакана нимадир деб бақирди, англомадик. Йигитлар ўрин алмашишди: пакана мотор кавлаштирди, новча калит буради: яна ўша «ЧҒ-Ғ-Ғ-Ғ, ЧҒ-Ғ-Ғ-Ғ, ЧҒ-Ғ-Ғ-Ғ!»

Сиддиқ ака чидолмади.

— Хўв, илгариям машина мингансилар ўзи! – деб ўрнидан туриб йигитлар томон юрди. — Ванғиллатаверадими, маторни қийнаб! Буниям жони бор! Тўк келмай, свечалар хўлланиб бўлди! Ключни олинг, очиб, тозалаш керак.

Машина атрофига томошатаблар тўпланди.

— Мана, кўряпсизми, – Сиддиқ ака свечаларни олиб, йигитларга уқтира кетди, — пишилиб энасиникига кириб кетибди-ю, ўтайдми бу! Ие, мановисини қаранг, ёққа чўмилиб ётибди. Латтани олинг, артиб, куритиш керак...

Ака эринмай свечаларни тозалади, куритди, ўрнига котирди.

— Энди калитни бурасак, яна свечалар пишилиб қолиши мумкин. Аммо итарворсак, юриб кетади, — деди ишни тамомлагач. Кейин томошабинларга юзланди: — Қани, йигитлар, ёрдам бериб юборинглар, меҳмонлар экан.

Уч-тўрт йигит машинага ёпишдик. Ўн беш–йигирма метрча

итардик, машина юрмади.

— Ҳалиям тўк келмаяпти, шекилли, — Сиддиқ ака машина капотини очиб, яна ковлаштира кетди. — Энди юради, — деди сўнг ишонч билан.

Беш-олти метр қадамда машина гуриллаб юриб кетди. Аммо шу юрганча тўхтамадиям! Пакананинг ёнига новча шундай эпчиллик билан чиқиб олдики, ҳаммамиз ҳайрон қолдик.

— Айтганингиздай, мол боллар экан, бир марта раҳмат айтишга ҳам ярашмади-я! — деди Аҳмадилло.

— Ҳақиқий моллигини энди кўрасан, ҳе-хе-хе! – Сиддиқ ака кулиб, қўлидаги халтага ишора қилди. — Ҳамма ключи қолиб кетди-ю!

Сиддиқ ака билиб гапирган экан. У ключларни сўри остига қўйиб турганди, машина ортига қайтиб келди. Аммо Сиддиқ ака уларга парво қилмай сўрига ўтириб, рақибига юзланди:

— Қартани ким тарқатади? Сенми? Суз! Ҳисоб неччи-ю неччи эди?

Новча йигит машинада тушиб, Сиддиқ аканинг тепасига борди:

— Ака, ключлар қолиб кетибди...

— Машинанинг ўзи қани? – сўради Сиддиқ ака ўйиндан бош кўтармай.

— Ана, йўл ёқасида турибди...

— Хўжайинингга айт, олдин қаерга тўхтатган бўлса, ўша жойга машинани қўйиб, ўчирсин, кўрадиган жойи бор.

Новча кетди. Пакана билан жиндай ғижиллашди. Аммо машинани жойига қўйиб, ўчиришди, ҳарқалай. Сиддиқ ака ўйинни якунига етказиб, ўрнидан турди. Сўри остидан ключларни қўлтиғига қистириб, машинанинг олдига борди.

— Мана, ключларинг, — деди халтани узатиб. — Буларни тўғри келган жойга ташлаб кетавермайди-да, моллар!

Биз — сўридагилар «боллар» сўзининг «моллар» атай деб айтилганини сезиб, кулиб юбордик.

Сиддиқ ака уйи томон юрди.

Йигитлар машина ўтиришди. Калит буралди. Таниш овоз эшитила

бошлади: «Чғ-ғ-ғ-ғ, чғ-ғ-ғ-ғ, чғ-ғ-ғ-ғ!»

Новча тушиб, Сиддиқ аканинг ортидан чақирди. У парво қилмай, йўлида давом этди.

## ИНДАМАС

— Велосипедми?

Манови қувладига қўшним, мироб, Қўриқда ери бор. Вей, қишлоқда мева-чева, экинлар тугул, одам сувсизликдан қуриб қолса ҳам, Қўриқда сув бўлади-да! Ўзи одамларам айёр бўлиб кетган. Ариқни йилда бир марта ковлаб қўйишмайди. Ҳозир сўраб кўрсанг, бирортаси ариқнинг охириги марта қачон ковланганини билмайди. Илгари бир чиройли даришана бўларди. Ариқ чоптига ичқмагани одам уяларди. Илгари хўкиз сўйиларди. Хашарга чиққан одамлар тамом қилиб юборарди, юз кило келадиган хўкизни. Қанақа хашарлар бўларди-ю! Қимирлаган жон борки, хашардан қолмасди. Билсанг, қишлоқни кўчасини кенгайтириб, асфальт қиламиз, автобус юритамиз, деб бир қишнинг ўзидан йигирма саккизта хўжаликнинг уйини бузиб, қайта қурганмиз. Одамлар маҳалланинг айтгани бўлсин деб, қишнинг чилласида ҳовлисини хашарчиларга бўшатиб бериб, уйи битгунча қўшисиникига ўтирган. Йўллар кенгайди, асфальт ҳам бўлди, автобус ҳам юрди...

— Велосипедни қўшнингиз Рўзимат?...

— Ҳа, қўшним Рўзиматни велосипедини сўраб... Уйда битта эмас, иккита велосипед бор. Ҳозир қишлоқнинг йўлларида велосипед миниб юриб бўлмай қолди-да: дўки-дўки, ўйдим-чуқур... Ўн беш метр юрмасингдан камер тешилади. Ҳозир қишлоқда машина олган одам кўп, йўлга қарайдиган одам йўқ. ўиз этиб у ёққа ўтишади, ғиз этиб бақа!.. Машинани бекорга олгандай, унча-мунча чуқурга парво ҳам қилишмайди. Шунча пул топибсан, машина олибсан, эшигининг тагини асфальт қилиб қўй. Сендан ибрат олиб қўшнинг қилади. Қарабсанки, қишлоқ асфальт бўлиб турибди-ю!

Шукур билан Юсуф, ҳалиям далатнинг плани бор экан, қишлоғимиз йўлини ўшанга киритишибди, барака топишсин. Яқин уч километр йўлга асфальт ётқизиларкан. Шунга келган қурувчиларга овқат-повқат қилиб бергани маҳалла бўлиб беш-ўн сўмдан йиғайлик, дейишибди. «Қурувчилар ойлик олади, нимага энди биз уларга овқат қилиб беришимиз керак экан, тошини терсин!» дебди мана шу

машина миниб юрганларингнинг иккита-учтаси бурун жийриб. Вей сенга тайёр асфальтни олиб келиб, босиб бераётган бўлса, бир пиёла чой қўйиб бермайсанми, эшигингнинг олдига келган одамларга-я! Муслмонмисан ўзи? Қишлоқнинг юзи йўқми?

Э, бугунги ёшларингда маҳалла-куй деган нарса қолмади. Кечаги кунги даришанага ўн бешта одам чиқибди. Яқин мингта хўжалик яшайдиган қишлоқдан-а! Уларниям ўнтаси хассасини зўрға кўтариб юрган чоллар! Машина миниб юрганлардан биттасини шартта тўсдим. «Даришана бўляпти?» дедим. Ёнидан бир сиқим пул чиқариб, «Бериб кўярсиз!» дейди. Вей, маҳалланинг уни пулига қараб қолган жойи борми? Буларга қолса, отасининг гўри атрофини ҳам бировга пул бериб тозалатса-да! Э-э-эх!

— Қўшнингиз Рўзимат велосипед сўраб?..

— Ҳа-а-а, велосипедини сўраб чиқовди. Ўғлим велосипедини бир ҳафтада уч марта тешиб келса-я! Обораман, яматиб келаман, обораман, яматиб келаман... Яқин жой бўлса экан... Шералининг ули камер ямайдиган устахона очганди. Унча иши юришмади шекилли, ёпиб қўйди. Ҳозирги ёшларингга бу ёқдан устахонани очса-ю, пул оқиб келверса-да! Бир-икки ой оғирликка чидаин, одамларни устахонамга ўргатаин, «Манови ерда устахона бор», деб эслайдиган бўлсин, дейиш йўқ. Кенжанинг ўғли ҳам ямоқчилик устахонаси очиб шунақа қилди. Абдулла қассобхонани қуриб қўйиб, битта хўкиз сўйиб-соттими йўқми, бедарак кетди. Сабр деган нарса йўқ-да, ҳозирги ёшларингда. Энди хоналарига кулфни уриб қўйиб, юришларини қара! Бири икки бўлиб қолдими? Манови Сайдилло тегрмон қурди, Анжанданми, Ёзёвонданми бир жойдан олиб келди. Вей, уч ойгача биров қадам босмаса-я! Қўйқадаги тегирмонга қатнашади одамлар, ўрганиб қолишганда. Аммо Сайдиллага раҳмат, тегирмонини ёпиб қўймади. Биров бир кило буғдой торттирмаса ҳам, очиб ўтираверди. Майна энди қара, очирет, очирет... Қуйқадагилар ҳам келиб, шу ерда буғдойини ун қилдириб кетяпти.

— Қўшнингиз Рўзимат велосипед сўраб чиққанди?..

— Ҳа-а... Ўша миниб кетди. Қўштегирмонга бориб келмоқчи экан. Бўласи бор — Ҳошимжон, ўша тўй қиляпти экан. Шу совуқда

тўйга бало борми? Тўйни баҳорда қил, ёзда қил... Бу ёқда сивет бўлмаса, газ бўлмаса... Шу газчиларда ҳам бир гап бор. Кечаги куни...

## ҲАЙДАРЧИЛИК

Кападамиз. Халфана овқат қиялпмиз. Ҳайдар акам шўрванинг кўпигини оляпти, мен шолғом арчиш билан овораман.

Оқсоқолларимиз Ҳамроали билан Раҳмон акалар кечаги масалани бир ёқлик қилиш билан банд: қарта ўйнашяпти.

— Э, сен, — Раҳмон ака қартани шийлаб туриб, менга юзланди, — Ҳайдар ҳақида ёзсанг-чи, бутун бошли китоб бўлади.

— Ҳайдарнинг бошидан ўтганларини, кино қилиш керак, юрган йўли комедия-да, комедия! — Ҳамроали ака уни қувватлади.

— Қулоқ солма, уларнинг гапига, қулоқ солма, — Ҳайдар ака чўмич билан ишора қилиб давом этди. — Гапиришаверади.

— Бу, — Раҳмон ака Ҳайдар акага ишора қилди, — бир вақтлар мактабда ҳайдовчиликдан дарс берарди. Ўқувчиларни машинасига чиқариб, «езда» қилдириб келибди. Кейин машинани тўхтатиб, капотини очиб, тушунтиришни бошлабди: «Мотори қизиб турганда радиаторнинг қопқоғини очиш мумкин эмас. Чунки бу пайтда суви қайнаган бўлади, мана бундай қилиб очиб юборсак...» деб туриб радиаторнинг қопқоғини бураб, очиб юборибди! Қайнаб турган сув осмонга қараб отилибди! Ўзи тепасида турмаганми, сув пешонасидан бошлаб, белигача куйдириб ташлабди!

Ҳамроали ака хохолади. Унга кўшилдим.

— Бекорчи гап, — Ҳайдар ака кескин эътироз билдирди. — Битта ўқувчим билмасдан очворганди.

— «Аполовка» ҳам бекор гапми? — Ҳамроали ака қошини маъноли учуриб, гап бошлади. — Бир куни бу жуда астойдил, тахталарни опчиқволиб, ҳовлисининг этагида уннаб ётибди. «Мана шу ерга оғил солмоқчиман, бетон қуяман, аполовка қиялпман», деди. Бир паст қараб турдим. Навбатдаги тахта қимирлаб, мих ўтавермади. «Орқасидан бирорта ёғоч тирагин, — дедим. — Қимирлаб тураверса мих ўтармиди ундан». «Э, ҳозир буни бошлаймиз!» деб тиззасининг кўзини тахтага тираб, теша билан ура кетди. Ҳарқалай мих қоқилди. «Ўтмайсан-а, ўтмайсан!» деб оёғини орқага олганди, тахта ҳам кўшилиб бирга кетяпти-да! Қарасам, тахтани тешиб чикқан мих

тиззасининг кўзигача ўтиб кетган экан. Тешанинг зарби деб, билмабди-ей!

— Э-э-э! — Ҳайдар ака қўл силтади. — Тахтадан ўтган мих шимимга илиниб қолган экан.

— Ҳайдарчилик-да! — Раҳмон ака гапни илиб кетди. — Трактор минади, шолимнинг донини олиб келиб берди. Аммо сеткали бўлгани учун тепаси кесакига тегиб, прицеп дарвозадан сиғмади. Кўчага тўкиб кетаверса, яна уни ичкарига ташиш — иш. «Нима қилсак экан?» деб турсам... «Кетмонни олиб чиқинг!» деб қолди. Олиб чиқдим. «Балон остини ковлаймиз», деди. «Одам юравериб, машина ўтавериб, заранг бўлиб кетган, бу ерни ковлаб бўладими?!» дедим. «Бўлади», деб кўлимдан кетмонни олди. Вей бало экан — бу! Болта ўтмайдиган жойни кетмон билан ковлаб ташлади. Терга пишиб кетди ўзиям. Дарвозахонада чуқурлиги бир, эни бир ярим қарчлик ариқчани пайдо бўлди.

Прицеп балонларни ариқчага мослаб юргизганди, ҳарқалай дарвозадан сиғди. Шолини ҳовлига ағдарди! «Қойил!» дегандай унга бош бармоғимни кўрсатдим. Илжайиб кўз қисди. Тракторига газ берди ва... шолини тўкканда кўтарилган прицепини туширмасдан ўқдай отилиб кет-ти!... Дарвозани ҳам бирга кўчага олиб чиқиб кетди!

«Вей, ўзинг бир соат уннаб ковладинг, атай пасайтириб йўл қилдинг, дарвозани кўрмадингми?» дедим жаҳл билан. «Иш шошилинч эди-да, прицепни тушириш эсдан чиқиб қолибди», дейди кулиб. Кейин «иши шошилинч» билан абеддан, ярим кечагача дарвозани қайта қурдик.

— Бу Ташкендаям иш қилиб келибди-ю, атмайсанам, — Ҳамроали ака менга тикилди.

— Янғисими? Эшитайлик...

Ҳайдар акага қарадим.

— Унга қарама, бизга қара! — Раҳмон ака қўл силтади.

— Э, уни ёзиб бўлмайди.

— Ёзмасанг ҳам бизга айтавер!

— Тошкентга супирги сотгани боришган экан. Супигиларни



сотиб бўлгач, пулларини тахлаб, резинка билан боғлаб, шимларининг орқа чўнтагига солибди. Сироч акамниқига келибди. Хожатга киришибди. Орқа чўнтакдаги пул эсда йўқ... Бир нарса дуп этиб паства тушгандан кейин, пул эсига тушибди.

Ўн минут ўтибди, ўн беш минут... Ярим соат ўтибдиям Ҳайдар акам чиқмасмиш-да. Кўзи энам ҳавотир олиб, «Ҳайдар, Ҳайдар?» деб эшигини тақиллатибди. «Ҳозир!» дебди.

Узун симга илиб оламан дермиш, ололмасмиш... Гургутни чақиб ташлармиш... Симни туширгунча гургут ўчи қолармиш... Бу ёгда энам қўймасмиш: «Ҳайдар, бўлдингми? Нима қиляпсан ўзи?» «Ҳозир!» деб гургут чақармиш, симни туширармиш...

Сирож акам ишдан келса, ҳовлиси тўла пул эмиш-да! Кўзларига ишонмабди. Пулларни ювиб, қурисин деб ёйиб, шамол учириб кетмасин деб устига биттадан тош бостириб чиққан экан.

— Э-э! — Ҳайдар ака шўрванинг сувидан хўплаб, чўмични қозон четига қўйди. — Тузи яхши, — деди сўнг бизга юзланиб. — Аммо ҳали пишгани йўқ. Ярим соат қайнаб турсин, унгача мен божамниқига бориб келаман.

— Шошма! — Раҳмон ака сигаретини чайнаб, ўрнидан турди. — Сени ярим соатинг уч соат бўлади... Унгача қайнайвериб, шўрва тугайди.

— Э, ака, — Ҳайдар ака тушунтира кетди, — божамнинг электр аррасини прицепга юклатиб қўйганман, эшикнинг оғзида турибди. Шундай тракторда бораман, прецепни улайман, ғув бориб ташлаб келаман. Чичқонқишлоқ қочиб кетибдими!

— Э, бор! — Раҳмон ака сигаретини бурчакка отиб, жойига ўтирди.

— Эсон-омон бориб келсин-да, ишқилиб, — Ҳамроали ака бошини қимирлатиб қўйди.

— Битта ишқалини бошламас бўлди — бу!

Қарта ўйин авжига чиқди. Қанча вақт ўтди, билмаймиз. Тракторнинг шовқини эшитилди.

— Келди, — деди Раҳмон ака деразага бўйлаб.

— Тез қайтвордими? — Ҳамроали ака ажабланган бўлди.

— Ҳайдар-да бу, ҳайдайди! Мингда юради-да!

Ҳайдар ака бегона йигит билан кириб келди.

— Тепага чиқаверинг, тепага чиқаверинг! — деди унга. Кейин бизга тушунтирган бўлди. — Божам, чичқонлик божам — Султонали...

— Ие! — Раҳмон ака ажабланди. — Сен буникига бормоқчийдинг-у?

— Султоналининг ўзи келиб қолган бўлса... — Ҳамроали ака фотиҳага қўл очди. — Қани, омин, тинчлик-омонлик бўлсин!

— ўалати иш бўлди! — деб Ҳайдар ака «пик» этиб кулди.

— Нима иш бўлди?

— Э, кўяверингилар, — деб Ҳайдар ака қўл силтади. Шўрванинг тузини кўрараркан, яна «хо-хо-хо»лаб кулиб юборди. Шўрванинг сувига тикилиб, йўтала кетди.

— Гапир мундай, одамни илҳақ қилмасдан! — Ҳамроали ака ковоғини уйди. — Ўзинг маза қилаверма, бизам кулайлик-да!

Ҳайдар ака дўпписини бошидан олиб, шолчага ташлаб, ёнига ўзи ўтирди.

— Ғалати иш бўлди, — Ҳайдар ака яна кулди. — Тракторнинг орқасини прицепга тўғрилаб турсам, уйдан хотин чиқиб қолди. «Прицепнинг қозигини солиб кўй», демоқчи эдим, «Ҳа, дадаси, йўл бўлсин?» деб сўради. «Божанинг аррасини абкегандигу, обориб берай, сўрайвериб эзиб юборди», дедим. «Унда жиндай шошмай туринг, — хотини қошин учуриб, кулимсиради, — менам прицепингизга чиқиб олай, сиз билан бориб ҳам синглимни кўраман, ҳам катайса қилиб келаман», деб уйга кириб кетди. «Тезроқ чиқ, иш қайнаб ётибди! деганимча қолдим. Хотин чиқди, газни босдим.

Божам яхши уйда экан.

— Бу ёғини сиз айтиб беринг! — у Султоналига қаради. — Мен гапиролмай, кулиб юбораман.

— Эшикдан чиқишим билан, кабинадан бошини чиқариб, салом йўқ, алик йўқ, «Кейин сўрашаверамиз, иш қайнаб ётибди, бир-иккита қўшнилардан чақиринг, арра туширишиб юборишсин!» деди. Ҳайрон бўлиб қолдим. «Нимага оғзингиз очилади, чақиринг қўшниларни!»

деб дўқ уришга ўтди. «Арра қани?» секин сўрадим. «Ана, орқада, прицепада турибди!» деди. Орқасига қараб, ҳеч нарсани кўрмадим. «Прицеп қани?» деб сўрадим! «Нима бало, божа, мастмисиз?» деди. Кейин... Ҳайдар акам орқасига қаради-да, ранги ўчиб кетди. «Қани прицеп?» дедим. «Сиз прицепти қўйиб тулинг-у, катайса қилиб келаман деб, чиқиб олганди, бизнинг хотин қани?» деди.

«Хо-хо»лашдик.

— Божам икковимиз ҳовлиқиб, тракторни юрган йўлимдан босдик, — Ҳайдар ака кулиб, ўзиники йўқдай, тиззамга шапатилади. — Қишлоққа келсак, прицеп эшик оғзида қандай қўйган бўлсак, шундай турибди. Тепасида ясан-тусан қилиб, тугунча кучоқлаган опанг ўтирибди! «Ҳа, дадаси, ҳай-ҳайлашимга қарамай, тракторингизни учириб кевордингиз. Ўтирибман энди, қачон катайса қилдираркан деб!» дейди. «Олдин қозиғини солиб, тракторга улаб, кейин прицепга чиқсанг ўлармидинг!» дедим. Шўрвани ичволиб, кейин аррани ташлаб келармиз, деб божамни бошлаб келяпман.

— Бағи, Ҳайдарчилик-да, Ҳайдарчилик! Шўрвани қуй-э! — деди Раҳмон ака.

## БИЗНИ ҲАММА ТАНИЙДИ

Маданиятнинг ҳисобчиси Мамадали билан ошхонада учрашиб қолдик. Тўғриси, ишдан кейин ўн грамм урволиш учун киргандим. Мамадали анчагина олиб қўйган экан.

— Э, шоир, шоир, — деди ўрнидан гандираклаб турди.

Кўпчиликнинг диққатини тортмаслик учун, у томон юрдим.

— Бомилар, бомилар? — Мамадали кучоқ очди. Икки кун бурун учрашгандик, минг йил кўришмагандай юзимдан ўпти. — Оҳ-оҳ-оҳ! Асал, асал! Ўтирсинлар.

Ўтирдим.

— Бало кўрмайлик, кўчада ўлмайлик! — ҳисобчи юзига фотиҳа тортди. Кейин стаканида эллик граммча қолган ароқни иккига бўлмоқчи бўлиб, салфетка идишини олдига тортди. — Ўн грамдан, ўн грамм...

— Йў, йў!.. Ўзим олиб келаман, — деб ўрнимдан турдим.

Иккита «юз» олдим.

— Йўқ, йўқ, бу кўп, — Мамадали кўрсаткич бармоғини силтаб, бош чайқади. — Мен бўпқолдим.

— Кемага тушганнинг жони бир.

— Ҳе-ҳе, мен кемага эртароқ тушгандим-да! — у кулди. — Бўпти, майли, йигитнинг сўзи ўлгунча...

— Ароқнинг бўйни узилсин!

— Ҳат-тат! Янги гап-у! Топасизлар-да, аммо сизлар шоирлар! Бу гап учун яна биттадан оламиз. Мен эрийман.

— Етарли бўлди.

— Йўқ! — Мамадали буфетчига юзланди. — Шурик, иккита юзтадан, — у менга қаради. — Ҳозир опкелади, ҳаммаси танийди мени. Бизи қишлоқда юраверади деб ўйламанг. Анча-мунча таниш-билиш орттириб қўйганмиз. Буларнинг шеви бор, тилло одам! Қачон кўрса, кучоқлашиб кўришади. Парғонада буларнинг каттаси бор, оғайнимиз, биледи-да шуни! Бозорком ҳам яхши одам, сўрашгани узокдан чопиб келади, машинада кетаётган бўлса, тўхтади...

— Ҳа, энди маданиятда ишлайсиз, кўпчиликнинг ичидасиз...

— Ҳў-ў, маладес, туври айтдингиз. Ҳаммасининг хизматини қиламиз-да.

— Турайлик энди, кун ҳам кеч бўляпти, машина кам, қишлоққа кетишимиз бор...

— Машина керакми сизга? Ҳозир телепон қилиб чақиртирайми, учиб келади, — Мамадали яна буфетчи томон бўйлади. — Ҳов, телепон борми?

— Қўйинг, овора қилманг, кетиб олармиз, турдик.

— Бўлди, шоир, аммо қишлоққа борганда давом эттирамиз.

Ниҳоят эшикка қараб юрдик. Аммо негадир Мамадали ортига қайтди.

— Бир минут, шоир, ремен олгандим, эсдан чиқибди, — у ичкарига кириб, қўлида қайиш билан қайтиб чиқди. — Қаранг, зўрми? Олти мингга олдим ўзиниям.

— Яхши.

— Шуни қўлда кўтариб юрмай, тақиб олақолай-а, бир ерда қолиб кетади, нима дедингиз?— у ременни силтади.

Жавобимни кутмай, буфетчининг хонасига кириб кетди. Дам ўтмай қўлида эски қайиш билан чиқиб келди:

— Мана бўлди, эскисини мусир ташлаймиз! Ё сизга берайми, шоир? Тақиб юрасиз...

— Йў, йў...

Ошхона ёнидаги бекатга ўтиб, машина кута бошладик.

— Ременни қисиброқ боғлаб олибман, сал бўшатмасам, белни еворди, — деб Мамадали қайишига ёпишди.

Кўзим олазарақ, ким келиб қолар экан дейман, Мамадали жаврашини қўймайди.

— Ҳозир келади, шоир, шошманг. Шошиб қаерга ҳам борардик. Ана, анови машина секинляпти, мени таниди, тўхтайтиди.

Аммо машина секинлаб турди-да, илкис юриб кетди.

— Танимади! Аммо мен уни танидим, Султонали! — Мамадали машинани кўрсатди. — Каттахитойдан. Савдода ишлайди. Мени яхши танимади, бўлмаса тўхтарди. Ана, ана, бунисиям секинляпти, таниди шекилли...

Мамадали таъкидлагандай, машиналар негадир олдимизга келганда секинлаб, кейин тезлаб кета бошлади. Ҳайдовчилар ҳам худди кўришлари зарурдай, бизга тикилиб-тикилиб қарай бошлашди. Ҳатто орқада кетаётган хотин-халаж ажабланиб бизга боқишарди.

Мамадалининг оғзи тинмайди:

— Ана бу, Одилжон, Қовғалидан. Секинляяптими, демак тўхтади. Зўр укамда — бу!

Одилжон ҳам секинлади-ю, аммо тўхтамади. Унинг орқасидаги бизни кўли билан имлаб кўрсатаётган болаларга қараб, Мамажоннинг завқи келиб кетди:

— Одил танимади-ю, аммо ўғиллари таниди мени! Тўйида хизмат қилганмиз-да! Зўр ўғиллари бор, биттасининг оти Зуфар, иккинчисиники Зафар!

Ниҳоят эскироқ бўлса-да, «Жигули» биздан сал ўтиб, тўхтади. Ҳайдовчиси машинадан тушиб, биз томон юрди.

— О, Олимбой, Олимбой! — Мамадали хитоб қилди. — Ўтиб кетганимда ҳам хафа бўлардим. Танидинг-а, мени!

— Танидим! — деди Мамажонинг кучоқ очиб турганига парво қилмай кўл силтаб.

— Опкетасанми, укажон!

— Опкетаман, аммо олдин жимни кўтариб олинг! — деди Олимбой ишора қилиб.

Қараб қотиб қолдим: Мамажонинг янги қайиш тақилган шими, илигида, туфлисининг устида турибди!

Шундан буён мениям кўпчилик танийдиган бўлиб қолди.

— Туманнинг марказида, катта кўчада шимини ечиб турган одам бор эди-ю, ўша кишининг шериги мана шу акам бўлардилар! — дейишяпти.

## «СТОП, ТЎХТАЛСИН!»

— Сто-о-оп, тўх-тал-син!

Бу гапни қишлоғимиз бўйича фақат Ҳақберди ака ўхшатиб айтди. Айтганда ҳам, жуда кифтини келтириб, «сто-о-о-оп» дейди чўзиб, сўнг чуқур нафас олиб, уни чиқаргач, «тўх-тал-син!» дейди. Аммо ҳар кимга, ҳар вақт ҳам айтавермайди.

Ўзлари қўли гул уста. Ҳар қандай машинанинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқишади.

— Хў-ў-ўш, нима бўляпти? — деб сўрайди бош ва кўрсаткич бармоғи билан дўпписини бироз тепага кўтариб, қолган бармоқлари билан бошини қашлаганча.

Машинада борганимиздан кейин билишади-да, бир иш билан келганимизни. Дардимизни айтамыз.

— Капотни очинг-чи!

Топширикни зумда бажарамиз. Уста акамиз гап-сўзсиз моторнинг у ёғидан ўтиб қарашади, бу ёғидан ўтиб қарашади... Остига ётиб олиб қарашади, ҳалакит бермай, «қўлимиздан келган иш» — қозонга ўт қалаб, бирор овқат уннаймиз.

— Обобакир! — ярим соатлардан ўтиб, устанинг овози эшитилади. — Очиш керак!

— Очдик, ака, очдик! — Обобакир қошини учириб, қўлидаги ароқ тўла пиёлага ишора қилади. — Келинг, устака!

Устака хиёл кулимсираб, ўчоқ бошига яқинлашади:

— Моторни деяпман.

— Моторниям очамиз, — Обобакир унга пиёла узатади. — Очилганидан олволайлик олдин!

— Об-бо! Шуна қиласизлар-да!

Овқат пишгунча машина, унга қўшилиб бошлар ҳам тузалади.

Ана шундагина ака:

— Сто-о-о-оп, тўх-тал-син! Энди турамыз, уйга боришам керак! — дейишади.

Янгикўрғондан келар эканмыз, қишлоққа бурилганда шу сўзни эшитдик. Янглишмабмиз, Ҳақберди ака поя ортаётган трактор

томондан келарди.

— Хў-ў-ў-ўш, қайлардан сўраймиз? — деди ака орқа ўриндикқа ўтираркан.

— Ўрмон том шувоқ қилаётган экан, хашарчиларга у, бу обкелаётгандик, — жавоб қилди Карим.

— Хмм... Божам тўй қилган экан, — ака қўлтиғидаги кўйлак тугилган «тўққиз» га ишора қилди, — ўшани ўтказиб келяпман. — Тўйам зўр бўлди-да, ўзиям. Катта-катта артисларни айтган экан, кенгаш куниеқ тўрттаси келиб олибди. Бири кўйиб, бири олади!..

Машина Ўрмоннинг эшиги олдига келиб тўхтади.

— Сто-о-оп, тўх-тал-син, демадим-ку! — Ҳақберди ака савол назари билан Каримга қаради. — Ҳайданг, уйга борамиз.

— Эрталабдан буён қайнаб ётибди, — Кирим изоҳ берди, — ярим косадан шўрва ичамиз. Ҳашарчилар ҳам бегоналармас, ўзимизникилар...

— Бўлмаса, уларга бир нарса обкелишимиз керак эди-да?

— Ҳамма нарса бор, — Карим қўлидаги сўмкага ишора қилди. — Қани, ака!..

Шўрва тортилди. Аммо аканинг ичгани ичига тушмади.

— Каримжон, машинани чудинг, паваротдан балиқ олиб келамиз, хашарчиларга! Бунақа бўлмайди-да, энди! — деди дастурхонга фотиҳа қилиниши билан. — Юринг, Саитали.

Турдик.

— Олдин уйга ҳайдайсиз, — у қўли билан ишора қилди, — беш-ўн сўм олволайлик.

— Ака, пул бор... — Карим кўкрагига уриб қўйди.

— У сизи чўнтагингиздаги пул-да! — деди ака кескин. — Менам устайўқлов қилишим керакми, йўқми? Кейин опангиз тўйга бориб, келганимни кўрсин, мана бу тугунчани бериб қўяй. Уч кун бўлди деяпман, уйдан чиқиб кетганимда...

Аканинг уйи томон бурилишимиз билан, буйрук қилишди:

— Сто-о-о-о, тўх-тал-син! — Сўнг менга қараб: — Қани, Саитали, юрсинлар, — деди.

— Бошқа сафар...



— Ие, опангизни кўрмаганингизга неч ой бўлди? Бир оғиз ўтирибсизми, деб қўйсангиз, хурсанд бўлиб қолади-ю!

Эътирозга хожат қолмади, кирдик. Опа акага тумтайиб бир қараб қўйди-да, мenden очиқ чеҳра билан хол-аҳвол сўрай кетди.

— Сто-о-о-оп, тўх-тал-син! — ака мағрур туриб, бир қўли белда, иккинчисидаги тугунчани опага узатди. — Мана буни олиб қўйинг, божам бериб юборди, тўйники табаррук! Э, божамга гап йўқ-да. Тўйидан бир кун бориб қолибман. Олдин божам, мени кемайди деганмикан, ҳайрон бўлиб қараб қолди. Анчадан буён кўришмагандик-да! Кейин таниб, мени ўтқизгани жой тополмай қолди. Энди қўйлар сўйилган, ароқ сероб... Мени роса уч кун шунақанги меҳмон қилди, бўкиб қолаёзим!.. Машина олибди, уйларни ҳам бошлаб тушлабди. Тўйга келган артисларни айтинг... Берган йигирма мингингизни ўшаларга қистириб юборибман! Пулдан опчиқинг.

Опа лаб бурди. Сўнг сўради:

— Ўзи қайси божангизнинг тўйга бориб келяпсиз?

— Қайси божам бўларди, синглингиз Қулпинча теккан-у, Кенагасдаги Султоналига, ўшаникига-да!

— Божангизникига тўйга бормай, сиз ўлинг, сиз ўлинг! — опа қўлини силтаб, саннай кетди. — Синглим Қулпинса Султоналидан ажраб, бошқа эрга тегиб кетганига беш йил бўлди-ю!

Акамиз дўпписни кўтариб, бошини қашлаганча бир дам туриб қолди. Сўнг секин, ўзига гапиргандай, сўз қотди:

— Айтдим-а, тўйда сизларам, божамларданам бирортаси кўринмади деб!

## КЎРИБ ТУРИБМАН

— Расулқори акамлар билан тўйга бориб қолдик, мен доирада, у киши танбурда, — Олимжон ака ҳикоясини бошлайди. Эшитувчилар юзида сал кулги ўйнайди. Чунки машҳур ҳофиз Расул қори Мамадалиев ҳақидаги ҳикояларининг ҳаммаси ана шу сўзлар билан бошланади-да.

Мухторали амаким дарров луқма ташлайди:

— Олим ёлғон тополмай қолса, ҳар замонда рост ҳам гапириб туради!

Олимжон ака ўртоғининг гапига парво қилмай давом этади:

— Тўйхонада одам ҳеч қаерга сиғмайди. Расул қори акамларнинг кўзлари яхши кўрмайди, аммо буни тан олгилари келмайди. Тўйбошилар ўнгда қолиб, чап томонга қараб, қўллари кўксида, таъзим қилдилар: «Ассалому алайкум, тўйлар муборак бўлсин!» Устанинг кулоғига секин шивирладим: «Ака, тўйбошилар бу томонда». Қори акам, «Кўриб турибман!» деб жеркиб, ўнг томонга юрдилар.

У замонларда стол-стул деган нарсалар йўқ, одамлар шолчаларни ёзиб, кўрпачаларни солиб, чордонани қуриб, шавла еб ўтирган экан, Расулқори акам улар томонга, «Қимирламанглар, ўтираверинглар, кўришганимиз — сўрашганимиз», дея шахдам қадам ташлаб, товоқдаги шавлага ўнг оёқларини кўйдилар! «Уста, шавлани босдингиз!» дедим шоша-пиша. «Кўриб турибман!» дея қори акам чап оёқларини иккинчи товоққа босдилар.

— Қори ака билмасдан шавлага оёқ кўйса, кўйгандир, аммо «кўриб турибман» деган сўзни ўзингдан қўшдинг, — дейди амаким жиддий. — Устангдан ҳам сенга фақат ана шу «кўриб турибман» юққан, холос.

Амакимнинг гапларида жон бор. Олимжон аканинг бирор нарса ўқиётганини (аммо бу воқеа ҳам жуда камдан-кам бўлади) кузатсангиз, чап кўзларини юмиб, ўнг кўзларини китобга шунақанги яқинлаштирадики, ҳарфларни киприклари билан пайпаслаб кўриб билипти, дейсиз!

Ўзларининг таърифлари билан айтганда, бутун бошли мактабнинг бош мусиқа муаллими ҳисобланишади.

Амаким кулимсирайди: «Сендан бошқа мусиқа ўқитувчиси бўлмаса, бош бўлмай оёқ бўлармидинг?!»

Мактабнинг бир эмас, икки хонадан иборат меҳмонхонаси бор. Биринчи хонада шўрва пиширилса, иккинчида ичилади. Шўрва! Шу боисданми излаган ўқитувчингизни шу ердан топасиз. Хоналарнинг ўртасида битта эшик бор. Эшикни очиб-ёпиш учун ҳар икки томонига миҳ қоқиб, қайириб қўйилган. Миҳнинг қоқилганига неча йиллар бўлган, аммо унинг ўрнига ушлагич ўрнатиш ҳеч кимнинг эсига келмайди, кўникиб кетишган.

Амакимни излаб меҳмонхонага кирсам, худди ўша миҳларни суғуриб ташлаб, ушлагич ўрнатаётган экан.

— Ие, кел, кел! — деди у киши мен билан сўрашиб. — Ўтириб тур, ҳозир бирга шўрва ичамиз.

Амаким ишини тугаллаб чиқиб кетди-да, икки косада шўрва билан кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, шўрва ичишни бошладик.

— Ие, ие, ие! Тошкентлик келибди-ю! — дея эшикдан Олимжон аканинг қораси кўринди. — Ўтиравер, кейин сўрашамиз! — у киши пальтосини «Шўрва навбати» рўйхати осилган миҳ устига илди. Олдимдаги косани олиб, ташқарига юрди. Эшик олдида пайпасланиб, ниманидир қидиргандай бўлиб турди-да, ортига қайтиб, косани столга қўйди.

— Бу ўқитувчиларингдан ҳеч нарса қолмайди-да! Шуниям суғуриб кетишибди-я! — деди амакимга юзланиб.

Амаким унинг сўзларини жавобсиз қолдириб, шўрвасини симириб-симириб ичди. Олимжон ака пальтосини олиб, стол устига ташлаб, миҳни суғирди. «Шўрва навбат» учиб, стол остига кириб кетди.

— Битта миҳ қанча туради, ахир ўйлагин! — куюниб жавраганча ташқарига чиқиб, кўлида болта билан ортига қайтди. Эшикни ёпиб, миҳни қоқа бошлади.

Амаким Олимжон акани менга кўзи билан имлаб, кулди.

Ака миҳни қоқиб бўлди. Болтани ташқарига қўйиб, олдимиздаги косани олди.

— Энди ким мана шу миҳни суғирса, болта билан калласига соламан! — деди қўлини силтаб. — Ушлагич-а, ушлагич у! — дея ташқарига юрди.

— Ҳов, кўриб турибман! — деди амаким унинг ортидан. — Ўша қоққан миҳингнинг бир қарич тепасига қара-чи, ушлагич бормикан?

Олимжон ака бутун диққатини эшикка қаратди, ушлагични кўрди, уни ушлаганча қийқириб кулди.

— Кўриб турибман, де! Кўриб турибман де, кўр! — амакимнинг кучли овози унинг кулгисини босиб кетди.

## «ҚУЛЛУҚ БЎСИН»

— Олим ёлғон тополмай қолса, ҳар замонда ростам гапириб туради!

Бу гап мени ўйлантириб қўйди: ҳақиқатан ҳам Олимжон ака шунақамикан?

«Одам қанчалик кўп ёлғон гапирса, уни ёлғонга ишонтириш шунчалик осон бўлади», деган «доно» фикр ҳам хаёлимдан ўтди. Бу фикрларнинг қанчалиги рост, қанчалиги ёлғонлигини аниқлаш учун хат ёздим:

«Ҳурматли Олимжон Усмонович!

Халқаро Ожизлар жамияти Сизнинг халқ олдидаги катта хизматларингизни инобатга олиб, «Нексия» автомашинаси билан мукофотлашга қарор қилди. Бунинг учун сиз:

1. Ҳақиқатан ҳам яхши кўрмаслигингизни тасдиқловчи шифокор хулосасини

2. Тўрт томондан олинган 3Х4 ҳажмидаги олти дона суратингизни,

3. Ожизлигингиз ҳақида маҳалла оқсоқолининг билдиргисини зудлик билан бизга йўллашингизни сўраймиз.

Юқоридаги ҳужжатларни қанча тез жўнатсангиз, «Нексия»нинг уйингизга етиб бориши шунча жадаллашади.

Ҳурмат билан, Халқаро Ожизлар жамиятининг раиси, Си Ку Хва».

Хат кетди. Натижасини бир ойдан кейин, қишлоққа бориб, Олимжон аканинг ўзидан эшитдим:

«Хат келиб хотинни қўлига тушипти: икки қаторини ўқибок, шайтонлаб қопти! Мен ўғилларни ёнимга олиб, чўлга, шоли ўтоққа кетганман, нима қилишини билмай, Каримжоннинг уйига чопипти:

— Акангизга Худо бериб қолди, чўлга бориб хабар беринг, яна кеч қоп ўтирмайлик! Духтирдан ўтиши, маҳалладан қоғоз олиши керак экан... Ҳа-а, расмам дейишипти, қайтишта Янгқўрғондан тушириб келарсиз...

Ўн гектарли ернинг еттинчи гектарида билимгача лойга ботиб шоли ўтоқ қилиб юриппан, биров чақиради-да! Қарасам, Карим! Қоғозни силкитиб бақиради, ҳеч нарса эшитмайман.

Кўнглим бир нарсани сезиб, шолিপоядан чиқиб келдим. Энди мени танип бўмайди: эгнимда отамнинг эски кўйлак-иштони — бир томони йиртилип кетган, бир ёғи сўкилип... Иштон худди кир бўп қоладигандай, тиззагача шимарибам оганман. Шунчалик лойқага ботганманки, лойга тушган чойнакти қопқоғидай бўп, кўзим кўринади холос!

Каримжон буларга парво қилмай, мени шартта кучоклаб олди:

— Қуллуқ бўлсин, домла, қуллуқ бўлсин! Машиналар муборак бўлсин!

Олдинига хотиннинг пенсиясига латария кўшип берганди, ўшанга машина чиқиптимикан, деб унча суюнмадим: хотин ўлгунимча бошимда ёнғоқ чақарди-да, мен олиб берганман деп!

Каримжон хатни ўқиб беровди, тугаппан-да! «Опчиқовир!» деппан.

Ёнимизда «Наврўз»нинг тижорати бор. Тижоратчи билан бир-икки матта шолининг ҳисобидан улфатчилик қлип, оғайни бўп қоганмиз. Каримжон ўтип, хатни кўрсатган экан, ярим қоп вино берип юборипти, барака топқир! Атрофимиздаги шоликорлар ёпирилиб келишди, тижоратчи ҳам бекор турмай, «Зовурнинг нарёғига ўтавер, Олимга Худо бериб қолди!» деб суюнчилаб турганми, йўлдан ўтган одам борки бари келди! Тортовриппиз, тортовриппиз... Бир вақти қарасам, машинада кетяппан. Уст-бошим ҳалиги аҳвол!

— Тўхта! Бу туришда бормай, ювиниб олай, — дедим.

— Э, ўзлари ювишади, — деди Карим.

— Кўмишдан олдин-а? — дедим.

— Йўқ. Донғингиз мағрибдан машрикқача кетган. Машинани ювамиз деб келадиғанлар кўп, олдин мени ювасизлар дейсиз-да!

Қишлоққа кирип борсак, хи-и-ив, хотин ҳам бекор ўтирмай кўринган одам борки суюнчилаган шекилли, эшигимнинг таги тўйхонага айланип кетипти: супириб-сидирилган, сувлар сепилган, стулларни ҳам терип қўйишипти.

Бир паста «келди-келди» бўп кетти! Олдин мени иккитаси қўлимдан, иккитаси оёғимдан кўтариб ариққа отти. Хў-ўп ювишди! Хотин бўлғуси куёвига атап сарполар обқўйган экан, уни кийдиришти. Бир пайт:

— Потиха қиворинг, потиха қиворинг! — деп қолишти.

— Нимага? — деп қарасам, қассоп пичоғини қайрап, қўчқорнинг оёғини боғлап ўтирган экан.

Бу ёғи ке-е-етти!

Эрталаб турсам, қўчқорнинг ҳаром ичак-човоғини кучугим тортқилап юрипти: битта қўйдан шу қопти холос — калла-поччасигача пиширип еп юборишипти, азаматлар!

— Ҳамма оғайниларингиз келди-ю, — хотин бўшаган шишалар қоплар экан гап қилди, — Мухтор ўртоғингиз кемади. Нима ораларингдан бирор гап ўтканмиди?

Ҳа-я, нимадир етишмагандай бўп турганди кечқурун, энди эсимга тушти: Мухтор кемаган экан. «Нимага кемади экан?» деп ўйлай кетдим. Уришганимиз йўқ, айтишганимиз йўқ... Эшитмай қолдимикан десам, кишлакти ярми уйимга кўчип келди-ю! «Бир гап бор!» деб дўқондан яримтани олиб, қўйинга солиб, Мухторникига отландим.

— Кўча чиқяпс экан, маҳалла оқсоқолидан справка опкенг, расмга ҳам тушип қўйинг! — хотин ортимдан тайинлап қолди.

Опам — Офтобхон олти ойдан буён касал, бир жойда бўп қоган. Эшигидан ўтаётип, «Кириб қўяй, қуллуқ бўсинга чиқолмай кўнгли ўксип ётгандир», деп уникига бурилдим.

— Қуллик бўлсин, Олимжон! — у юзимдан ўпиб, кўз-ёши қилди. — Сени кадринга етадиган ҳам чиқипти-да... Ҳа, эссиккина, отамиз, онамиз кўрмади бу кунларингни, қанчалар суюнишарди, суюнишарди...

Мениям кўнглим тўлип кетти. Унга қўшилмоқчи эдим, опам бурнини чуқур тортип, кўз-ёшини артип:

— Энди, Олимжон, мени гапимга кирсанг, шу «Нексия» деганларини омагин! — деди қатъий.

Анграйип унга қарадим.

— Экта ўғлинг бор, — опам давом этти, — «Нексия» ўғилларингди ўртасида талаш бўлади. Ундан кўра пулини огин-да, эковига биттадан «Жигули» олиб бер!

Касалнинг кўнгли ўксимасин деб, «Хўп», деп у билан хайрлашдим.

Мухтор мени жуда совуқ қарши олди. Кучоқ очиб табриклаш қаёкта, тилини учида зўрға, «Ке!» деп қўйди.

— Олиймот бўлмай кеткир, маданиятни қачон ўрганасан!? Битта яримтани обориб, — қўйнимдаги арокни хонтахта устига «тўқ» этказип қўйдим, — «Қуллуқ бўлсин, ўртоқ!» деп қўйсанг, асақанг кетадими!

— Нимани қуллуқ бўсин дейман? — Мухтор пинагини бузмади.

Ҳаққатанам аччиғим чиқип кетти. Учқўприқдан Мансур, Чақақишлоқдан Содиқ кеп табриклап кетти -ю, бу иягимнинг тагида турип қутламаса! Чўнтагимдан хатни олип, юзига урдим:

— Мана буни ўқи, мана буни!

Ўқиди. Сал кулимсиради. Аммо «Қуллуқ бўлсин!» дейиш қаёқда.

— Хатнинг адресини ҳам ўқидингми? — деп сўради.

— Йўқ.

— Халқаро ожизлар жамиятидан келган хат, «Муштум»нинг конвертида келади, кўрип туриппан бўлмай кеткир!

Конвертга қараб... Олдин муштумчи укамнинг кулип турган юзи кўз олдидан ўтти. Кейин ярим қоп вино, валишга осилган қўчқор, яшиқ-яшиқ ароқлар бир-бир айланип ўтаверди, ўтаверди! Ўнгга қарабам ўтаверди, чапга қарабам ўтаверди...

Жа-а, маза қилип ўтирип, заҳар ичганда-а-ай арокни ичдик. Кейин... Катта кўчадан кетсам, бирортаси «Қуллуқ бўлсин!» деб қоса, кўлоғининг тагига қўйип юбормай деп, чорвоқ билан уйга келиб олдим...»



## ЁНҒОҚ-ЁНҒОҚ

Чойхона олдида тургандик.

— Ёнғоқ коқтирмоқчи бўсанг, Шокир бувангга хабар бериб қўй!  
— Сиддиқ ака велосипедидан тушар экан сўз қотди.

Арофимдагилар кулишди. Сиддиқ ака ҳамма билан бир-бир:

— Тузукмисиз? Яхшимисиз? Тошкентлар қалай? — деб сўрашиб, гапида давом этди. — Э, одамлар азонлаб Шокир буванинг эшигида очетга туряпти. Зўр қоқяпти, учида бир донаям ёнғоқ қолдирмаяпти экан. Вақтлироқ айтмасанг, ёнғоғингни қоқиш қишга қолиб кетади.

— Э, сенга гап топилмай кетсин! — Мирзақбар ака кулимсираб, қўл силтади. Сўнг менга тушунтирган бўлди: — Шокир бувангиз ёнғоқ қоқаман деб чиқиб, йиқилиб тушибди, шуни айтяпти.

Қахҳор домли Дон Кихотга, бўйи ҳам, қўли ҳам, оёғи ҳам, юзи ҳам, бурни ҳам, соқоли ҳам узун, фақат ақли қисқа бўлган, деб таъриф берган. Бу таърифни Шокир бувага нисбатан ҳам ишлатса бўлади. Фақат у кишининг ақли қисқа эмас. Бўйига мос. Яна уни устига денг, кулгининг ишқибози. Қишлоқда бўлган, ўзининг бошидан кечган воқеаларни айтиб бермайди, юриб, туриб, ўтириб, ётиб, оёқ-қўлларини ҳаракатлантириб, лабини, кўзини юмиб, очиб, буриб, ўйнатиб — кўрсатиб беради:

— Бир куни дегин, Арслонбой раис кўчадан ўтиб боряпти: икки қўл орқасига чирмашган... Мана, бундай, кара... Қорин қанордай, олдида осилиб турибди. Қовоқлар бир қарч: кўзларини ёпиб қўйган. Ҳар қадам ташлаганда ер зириллайди: гуп, гуп... Эски уйлар шувоғи кўчиб тушяпти, ҳар қадам ташлаганда!

Носир буванинг эшагида мудраганча секин келаётган экан. Билардингу, Носир бувангни, эшакка миниши билан, ман бундай қилиб, ерга қараб мудрашни бошларди. Эшаги айтган жойига ўзи олиб бориб қўяверарди. Хуллас, Носир буванг мудраб келаётган экан. Эшаги ҳалиги қадам товушидан хуркиб, шарт орқасига қараб бурилворди! Носир буванг «гуп» этиб ерга қулади, эшаги думини хода қилганча қочиб қолди!

Э, унча-мунча актёр Шокир буванинг олдида ип эшолмайди.

Актёрликка ишқибозлигиданми, мени кўрса дарров велосипеддан тушади.

— Ие, тошканлик келиб қолибди-ю? Қачон келдинг? — дея бирин-кетин саволларни ёғдира кетади. Аммо жавобларимни кутиб ўтирмайди. — Эргаш Карим қалай, юриптими? Кўриб турибсанми? Абдуҳолиғингам тинчми? Суръат Пўлатов оламдан ўтибди деб эшиб, жуда хафа бўлдим, Худо раҳмат килсин. Нима у касалмиди? – дея асосий саволларига ўтади.

Жавоб берганим сайин, саволлари болалайверади. Лекин етарлича жавоб олмагунча, қўймайди.

— Хабар олиб қўйгин, уйда ётибди, сени яхши кўради, — Сиддиқ ака билагимдан тутди. — Юр, бирга кўриб чиқамиз, менам кирилганим йўқ.

— Ҳа, кириб қўйинглар, хурсанд бўлади, — Мирзакбар ака бизни кувватлади.

Олдинма-кетин, уйларига кириб бордик. Шокир бува айвондаги сўрида ётган экан. Бизни кўриб, ўмганини кўтарди:

— Э, келинлар, келинлар! Ие, тошканлик ҳам келибди-ю!

— Турманг, турманг! – шошиб бориб сўрашдик.

— Э! – бува қўл силтаб, бизга тушунтирган бўлди: — Оёқ кетган, бел кетмаган. Сиддиқ, анови болишни орқамга тираб қўй. Тирамаса турмайдиган бўлиб қолган! Бел! Ҳа-ҳа-ҳа!

Буванинг кампирлари чиқиб, биз билан сўрашиб, чолларидан нолий кетди:

— Буваларингни кўрмайсизми, ўғиллари йўқдай ўзлари тирмашиб чиқиб кетишди. «Вей, қўйинг, Маҳмуд келса, қоқиб берар! Ё ана, Қосимжон уйда, айтиб чиқаман!» деганимга парво ҳам қилмади.

— Вей, сен жаврамасдан чой-пой олиб чиқ! — Шокир бува жеркиб берди. Сўнг: — Ҳе-хеҳ! – деб кулди кампирининг орқасидан имо қилиб. — Энди холангга худо бериб ётибди: қоққан ёнғоқларимни бошимга қўйиб чақяпти! Ёнғоқни кўргансизлар-а?

Кўзимиз ҳовли этагидаги танаси бир қулоч келадиган ёнғоққа қадалди.

— Пастдагимас, тепадаги айрига қаранглар, ана шу ердан йиқилдим. Битта билакдай шох турган экан. Ўшани ушлаб ҳов, тепадаги айрига ўтиб оламан, дебман-да. Қуриб қолган экан, ҳамшира, шундай ушлашимни биламан, пастга қараб кетдим-да! Яхши, остига бостирма қуриб қўйган эканман, олдин бостирмага тушдим, кейин ерга! Худо сақлади. Тўғри ерга тушганимда борми, бувангни лаҳадда кўрардинг!

— Аммо яхши ер бор эди-да, — Сиддиқ акам луқма ташлади. — Мирзали гўрков ҳам мақтагани, шу кунларда ким ўлсаям зўр жой бор деб!..

— Гапинг курсин! — бува Сиддиқ акага қўл силтаб, менга юзланди. — Буни қўявер, Тошкандан гапир. Бахтиёр Ихтиёров ҳалиям борми? Нимага сира телевизорда кўрмайман-а?..

Сухбатимиз кизиб кетди. Чой келди, нон келди, еган, ичган бўлди. Кетишга руҳсат сўрадик.

— Шошиб қаёққа борасан, ҳар куни келиб юрибсанми? Шўрва бўляпти...

— Бошқа сафар...

— Бошқа сафар яна бўлаверади, – бува ўмганини сал кўтариб, кампири томонга юзланди. – Ҳов, ҳалигини олиб чиқ.

Сиддиқ акам билан кўзларимиз тўқнашди: жиндай-жиндай отиб туришимизни бува билади. У кишининг олдида «ҳалиги»дан ичиб ўтирсак, ноқулай бўлади, деган гаплар ўтди кўнглимиздан.

— Унақа нарсаларни қўйинг, бува, тузалиб олинг кейин бўлаверади, – Сиддиқ акам кескин рад этди. – Бу ерга сизни кўргани чоллар келиб турибди. Уларнинг олдида ноқулай бўлади-да!

— Нима бўпти? Ай, чоллар келса келиб, кетаверади, – бува яна кампирлари томон юзланишди. – Опчиқяпсанми?

— Ҳозир!

— Сени азондаги ҳозиринг, тушда ҳозир бўлади! Обке тезроқ!

— Шуни бекор қиялпсиз-да, бува! – менам Сиддиқ акамни қувватлаган бўлдим.

— Нимаси бекор! Ўтиримиз-да, гаплашиб. Опчиқ!

— Қаерга қўёвдингиз, тополмаяпман?

— Э, сандиқнинг орқасида турибди, опчик!

Сиддиқ ака менга қошини учириб, пиёлаларни чайқаб, олма арчишга киришди.

— Манг, зормандангизни! — хола зарда билан қоғозга ўралган узунчоқ нарсани узатди.

— Бор, экансан-ку! — буванинг юзига табассум югурди. Сўнг қоғозга ўралган шишани қўлида силтаб давом этишди. — Мана шу қуриб кеткур-да, ҳаммасига сабаб. Мана шу бўлмаганда мен бунақа қилиб ётмасдим.

— Ҳа, бува, қилди расво ичкилик, дейишади-ю! Бизга айтмайсизми «яримта» бор деб, ўзимиз қоқиб берардик ўша ёнғоқни. Ичволгандан кейин, ёнғоққа чиқмаслик керак эди-да! — деди Сиддиқ ака қўлларни силтаб.

— Ким ичволиб ёнғоққа чиқибди, ким ичар экан!? – бува Сиддиқ акамга ўдағайлай кетди. – Ёнғоқнинг қуриган шохини гапирдимми, сен каллага! Мана ўша қуриган шох. Қўриб қўйгин деб, қўрга хасса қилиб олиб ўтирибман!

Бува ўрамни Сиддиқ акамнинг олдига отди. Ўрам очилиб кетди: бир томони йўғон, иккинчи ёғи ингичкалашиб кетган яқин ярим метрлик ёнғоқнинг шохи бизга жилмайгандай қараб турарди.

## ТАНИШУВ

Буниси ғирт тўқима хангома, ишонаверинг.

Телевидение режиссёри Неъмат Холматов телефон қилди:

— Ўртоғим Фарғонадан келяпти, Қўйликда турасан, кутиб олсанг...

— Мен ўртоғингизни танимасам...

— Келиб, сенга қўнғироқ қилади... Қаерда турганини айтади... Нима шу қийинми? Тошкентни билмайди, илтимос сендан...

Иложи йўқ, телефон қилишини кута бошладим. Қўнғироқ ҳам бўлди:

— Мен Неъматжоннинг ўртоғи — Ғофиржонман. Қўйликқа келгандим...

Тушундим. Тушунмай ўлибманми, Қўйликда тураман-ку! Йўлга отлана бошладим. Телефон яна жиринглади. Яна Неъматжон Қурбонов, э-э-э, Қурбонов дейман-а, Неъматжон Холматовнинг овози эшитилди:

— Чиқяпсанми? Қўнғироқ қилди, етиб кепти. Қўйликда турипти экан... Адашиб юрмасин. Илтимос...

Ана шу гапдан кейин меники тутди: ўртоғи билан гаплашдим, кутиб олгани чиқяпман: яна телефон қилгани нимаси?! Худди мен кичкина боладай қайта-қайта тайинлагани-чи!

— Менга қўнғироқ қилиб юборсин! — дедим зарда билан.

Хаёлдан бир шумлик ўтди-да.

Қўнғироқ бўлди:

— Мен Неъматжоннинг ўртоғи — Ғофиржонман, келгандим... — дастакдан овоз келди.

— Қаерда турибсиз? — дедим атай.

— Қўйликда. Шундай кўчанинг бошида.

— Қўйликнинг саккиз томонга кетган ўн олтига кўчаси бор, қаеридасиз?

— Телефоннинг олдида...

— Қадамига телефон...

— Фарғонага кетадиган жой бор-ку... Питак... Ҳа, питакнинг рўпарасида турибман.

— Питак деганларининг бир томони Бектемирга, иккинчи томони Сирғалига, учинчи томони шаҳарга, тўртинчиси Роҳатга қараб кетади, қайси томонидасиз?

У бир зум каловланиб қолди. Сўнг аниқлик киритди:

— Автобуслар қатнайдиغان жой бор экан-ку... Автостанция...

— Қўйлиқнинг атрофи автобус қатнайдиغان жой, автостанция...

— ...

— Одингизда қайси автобуслар турибди?

— Ҳозир...

У дастакни қўймади, аммо нарига кетганини тушундим. Дам ўтмай дастакдан «ду-ду-ду!» деган овоз эшитила бошлади.

Нима қилардим, яна кутдим.

— 39, 130, 12-автобуслар қатнар экан, — навбатдаги кўнғирокдан кейин жавоб бўлди.

— Яхши, — дедим салмоқлаб. — Турган жойингизни билдим. Аммо мен сизни қандай таниб оламан? Қўйлиқ тўла одам.

— Қора пальто, қора телпақдаман...

— Ҳаммаям шундай кийинган...

— Қўлимда катак-катак сўмка бор...

— Ҳаммаям ҳозир шундай сўмка тутяпти...

— ...

— Менга қаранг, яхшиси сиз, ўша жойда чап оёғингизни кўтариб турсангиз... Дарров таниб олардим!

— ...

— Хўп, мен йўлга чиқдим.

Қўйлиққа бориб, акани узоқдан дарҳол танидим: қора пальто, қора телпақ, қўлида катак сўмка... Эркак зоти борки, ёнига яқинлашса... чап оёғини кўтаряпти! Бепарво ўтиб кетса, хафсаласи пир бўлиб оёғини пастга тушияпти!

Бу холатни кўриб, қотиб қолдим.

Секин яқинлашдим.

У мени кўриши билан чап оёғини оҳиста кўтара бошлади.

Роса рўпасига келиб, жавдираб юзига қарадим.

Ўофиржон калласини силтаб-силтаб, кўтарилган оёғига ишора қилди.

Ҳайрон бўлгандай елка қисдим.

У оёғини туширди, нари кетдим.

Четга бориб қотиб, қотиб кулдим. Кулгимни босиб олгач, ортимга қайтдим.

Ғофиржон яна чап оёғини кўтара бошлади. Аммо афтимни таниб қолганмикан, зарда билан оёғини ерга туриширди. Ерни бир-икки тешиб ҳам қўйди.

— Бўлди, ака, бўлди, танидим, — дедим, — юринг уйга кетдик.

## ОЛОВИДДИН

Одам деганлари хўп ажойиб махлуқ-да! Ундаги туйғуларнинг кўплигини айтинг. Улардан бири, масалан, мақтанчоқлик. Ажойиб дейсизми, ғаройиб дейсизми, ишқилиб бир туйғу-да. Ўзини одам деб атовчи жонзод борки, ҳаммасида ҳам бу туйғудан унча-мунча топилади. Бир нарсани еган, ичган, кийган, олган, минган, кўрган ва ҳоказо, янгилик бўлса бас, дарров атрофга аланглаймиз. «Ие! Шунақами!? Вой! Бай-бай-бай, эшитмай қолганимизни қаранг! А!? Қойил! Йў-ғе!» деган хитобларни шунақа яхши кўрамыз, уларни шунақанги маза қилиб эшитамиз, дунёда бундан ортиқ хузур йўқ!

Одам деб аталгани учун Оловиддин ака ҳам бу туйғудан бенасиб қолмаган.

Оловиддин ака ўзи яхши одам — яқинда қамокдан чиқди! Аслида қамалмасдиям. Қўшниси Милтиқбойда ҳам бўлган мақтанчоқлик сабаб бўлди. Шаҳардан туман маданият уйига қатнаб ишловчи Чаманой отлиқ жонон бор эди. Оловиддин ака у билан «учрашиб» турарди. Буни Милтиқбой тушмагур тушида олтин топиб олган жиннидай, Чаманойнинг эрига суюнчилабди! Эри ўз навбатида Оловиддин акага кучайибди: «Палончибой мени акахоним бўладилар, у қилиб, бу қилиб юбораман!» Оловиддин акани «у, бу» қилишолмади, аммо «разбор»дан кейин Милтиқбойга қийин бўлди: ўнг оёғини силтаб босадиган, калласини ўйнатиб турадиган бўлиб қолди.

Оловиддин акага эса жин ҳам урмади. Тўғри икки йилми, уч йилми қамалиб чиқди, аммо кечаги куни машина олди. О! Ана машина! Дарвозасининг олдига чиқариб қўйиб роса уч соат ювди — мақтанчоқлик қамалса ҳам қолмас экан-да. Артди, ярим соат. Машина ярақлаб кетди. Аммо аканинг кўнгли тўлмади: «Во! Муборак бўлсин! Хўроз йигитлар машинаниям хўрозини минаркан-да!» деб юракдан айтиладиган гаплар қани?

Охорли костюм-шимини кийиб, гаслтуқларини тақиб, рулга ўтирдилар. Қаламнинг тили бўлганда, «Машинанинг Оловиддин акага, у кишининг машинага ярашганини қаранг!» дер, буни қахрамонимиз ҳам эшитган бўларди, афсуски... Хўп қаламда забон



йўқ экан, аммо одамларда-чи, одамларда, тиллари узилиб тушганми? Туман марказини кесиб у ёққа ўтишди, бу ёққа ўтишди бирор хитоб йўқ. Ақалли эътибор билан қарашиб, қойил дегандай қош ҳам қоқиб қўйишмайди!

Маданият уйининг олдида сигнал бериб тўхташди. Виқор билан машинадан тушиб, эшик томон юришди. Вей, бўлар экан-ку! Собик касбдошларидан тўрт-бештаси ўрнилардан туришиб, бўйлаб-бўйлаб қараша бошлашди. Мана ўша ҳайратлар-у, хитоблар: «Оҳ! Зўр нарса экан! Воҳ, ўлиб қоламан! Янгиси чиқибдими?!»

Оловиддин ака чексиз бир ҳузур билан қўлидаги калитни ўйнаганча уларга яқинлашди: «Ҳа, энди, мени биласизлар-ку!..»

Аммо касбдошлари унга парво ҳам қилишмади. Бўйлашиб, ҳамон ҳайратланишда давом этишарди: «Зўр нарса, жонингни берсанг арзиркан!»

Оловиддин ака ортига ўгрилди ва ҳамкасблари бўйлашаётган томонга боқиб қотиб қолди: машинасининг орқасидаги йўлакчадан, «Замон-замон, бизнинг замон» деган юриш билан, бир паризод лов-лов ёниб ўтиб борарди.

Э, мақтанчоқлик деганлари ёмон дард экан.

Оловиддин ака дардига эртасига даво топди. Зулукдай машинасида туман марказидан ўтиб бораркан,

«Оҳ! Қойил! Зўр экан!» деган ҳайқириқлар уни кузатиб қолди. Ёнида Сумакхон ўтиргани учун бу сўзлар унга қарата айтилаётганини сезса-да, Оловиддин ака ҳузурланарди. Майли-да! Бу ҳузурни ака кечгача давом эттирмакчи эди, Сумакхон зумда режасини чиппака чиқарди:

— Оловиддин ака, ҳов, анови бобойни кўряпсизми? — деди у йўл четида арава етаклаб кетаётган чолга ишора қилиб.

Қаради, таниди, отаси, хўп нима бўпти? Сумакхон жим кетаверса бўларди-ку, йўқ:

— Кечаги куни мана шу бобойнинг ҳам беш минг сўмини қуртдай санаб олдим! — дея мақтанди.

Сузиб кетаётган машина қўққис тўхтади. Оловиддин ака Сумакхонни зўрлаб машинадан туширди-да, гап-сўзсиз шитоб билан жўнаб қолди. Мана, мақтанчоқликнинг оқибати!

Бу воқеани Оловиддин аканинг ўзлари мақтаниш оҳангида сўзлаб берди.

— Нега энди машинадан тушириб юбордингиз? — сўрадим атай.

— Ие, туширмасанг бўладими!? — деди у кўзларини катта очиб.

— Сумакхон энам бўлиб қолишига жиндай қолган экан-ку!

## СЎЛИМ

Хотинлар фронтида нималар бўляпти, биродарлар? Буларни тартибга чақирадиган, ҳеч бўлмаса икки оғиз панду насихат билан ўзига келтириб қўядиган жамият борми, йўқми?

Мана, Носирхон сўлим дўстимиз ишдан келди. Йиқилмай, бир жойи қашқа бўлмай, яна ўз оёғи билан! Хотин бўлса:

— Сизам уйим-жойим дейсизми, йўқми? — деган дебоча билан сўз бошлаб, халқаро майдонларда рўй бераётган воқеалар, амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида кенг тўхталиб, уйда уннинг тамом бўлганлигини гап орасида қистириб ўтди. Қишлоқ чеккасида Мунавваржон ака яхши ун сотаётганини таъкидлади.

Дўстимиз унинг маърузасини тишини чўп билан қовлаганча ғиринг демай эшитди. Ҳатто яқин Шарқда кечаётган воқеалар ҳақида нотўғри позицияда туриб гапирганда ҳам, жанглар мавзуси жангга уланиб кетмасин деб сукут сақлади. Сўнг сўзсиз велосипедини олиб, рулига қопни ташлаб, эшик томон юрди.

Носирхон серулфат, жа мулозаматли йигит-да! Чойхона олдидан салом бермай ўтиб кетолмади. Ўзлари билан ўзлари бўлиб қолган улфатлари алик олишмаганди, яна қайтиб ўтиб салом берди. Улфатлари ҳам одам — унга эътибор қаратишди.

— Олиб келасан-да ўша унни, Мунаввар ўлиб қолгани йўқ. Олдин мановини ол! — дея мурувват ҳам қилишди.

Бу ёғига ўз-ўзидан гап қовушиб кетди. Велосипедда юрмай, Камолиддиннинг машинасида бориб, Мунаввар аканикидан ун олиб келадиган бўлишди. Шундай меҳрибончилик бўлгач, пулнинг юзига қараш инсофданми? Олишди, ичишди, велосипедни машинага юклаб, йўлга тушишди.

Шу жойда жиндай англашилмовчилик бўлди: Камолиддин Мунаввар аканикига деб машинасини Носирхонникига ҳайдади. Натижада, андаккина пинакка кетиб қолган Носирхон ўз уйини Мунаввар аканики деб ўйлади. Ҳайдовчи:

— Носирхон, келдик! — деганди, сесканиб уйғонди.

— Ҳозир, — деб машинадан тушди ва ўз уйининг дарвозасини очиб, чақира кетди: — Мунаввар ака, ҳов, Мунаввар ака!

Хотини чиқиб келди.

— Ҳа, келдингизми, дадаси? — деди кўзларини бор бўйича, оғзини ҳам шу қатори очиб.

Дўстимиз хотинини ҳам, унинг гапини ҳам яхши англамай, давом этди:

— Мунаввар акам борми? Ун керак эди?

— Э, қанақа Мунаввар ака? Бу ерда нима қилади у? — хотиннинг негадир жаҳли чиқди.

— Ҳа, бўлмаса бошқа куни келарман, — дея дўстимиз ортига бурилди.

— Уйга киринг-э! — хотин ўдағайлади.

— Йўқ, мен эркаги йўқ уйга кирмайман! — деб Носирхон ортига қайтди.

Шу! Арзимаган воқеа, тўғрими? Энди буни хотинлари бир дoston қилишибди, бир дoston қилишибди — қулочинг етмайди. Шуми инсоф, шуми эрга бўлган ҳурмат!

## «ВРЕДНОСТ»

Бизда атрофга разм солиш деган нарса йўқ. Агар андак диққат қилганимизда қандай топқир, донишманд одамлар билан замондош эканлигимизни билардик, фархланардик. Мана, шуларнинг биттаси Раҳмонназар. Уни биз ҳайдовчи деб юраверган эканмиз. Калласида шундай фикрларни жамлаган эканки, уларни эшитиб туриб бутун қишлоқ ёқасини ушлади.

Воқеа оддий нарсадан бошланди. Матвали ака почтачи билан айтишиб қолди. Одатдаги ҳол: кимнидир нафақасини вақтида олиб келмайди ёки беш-ўн сўм «чиқим»ига ушлаб қолади — жанжал чиқади-да. Аммо бу галги жанжал юқори савияда, ўта кўтаринки руҳда ўтди.

Қаранг, Матвали акага ўн минг сўм, хотинларига эса ўн икки минг сўм нафақа берибди!

Қани бу ерда адолат?

Матвали ака ҳам туғилганидан буён пахтанинг ичида, хотинлари ҳам. Қайтанга, хотинларидан кўп ишлаган бўлса ишлаганки, аммо кам ишламаган. Масалан, хотини олтига болани туғиш учун ҳар бирига энг камида икки ойдан сарфлаб, йўқ деганда ўн икки ой далага чиқмаган. Ака эса шу даврда ҳам жонини жабборга бериб ишлаган. Энди хотинлари ўн икки минг, у киши ўн минг нафақа олиб турса, демократик давлатда яшаймиз, қани бу ерда ҳақиқат!? Бемалол ёқалашса арзийдиган ҳолат!

Одам тўпланди: сабзисига сув кўяётган Саримсоққўзи чиқди, кетмонинг лойи билан. Унинг ортидан аччиққина шўрвани терлаб ичиб, эндигина ёнбошламоқчи бўлиб турган Соли қассоб, сигирининг канасини тераётган Тошпўлат тоға... Улар сафига ҳатто бозордан келаётган Номозвой қопи билан, Урайим тезоп тракторини йўл четига тўхтатиб қўшилди. Аммо уларнинг бирортаси ҳам Матвали аканинг ўта мантиқли далилларига нисбатан жўяли жавоб айтишолмади. Шунинг устига Раҳмонназар келиб қолди. У Матвали аканинг: «Қаллангни ишлат, шуям инсофданми, давлат қаёққа қараяпти ўзи!?»

деган сўзлар билан безалган ҳикматларини эшитди-ю, акага тушунтириб:

— Заҳарли моддалар билан ёки ноқулай об-ҳаво шароитида, масалан, қирқ градусдан ортиқ иссиқда ишлаганларга давлат вредность, яъни кўшимча пул беради. Опамларга ҳам ана шунақа пул кўшиб берган. Шунинг учун сиздан кўп нафақа олишган, — деди Раҳмонназар.

— Ҳов, сен, каллангни ишлат! Қирқ градусли, заҳар сепилган ўша пахтанинг ичида менам ишлаганман. Ўша вредносингни олишга меням юз фоиз ҳаққим бор биринчи ўринда, — ака бўш келмади.

— Опамга қирқ градус иссиқда ишлаганлари учун кўшиб беришгани йўқ. Сиз ичардингиз-а? — кўкқис савол ташлади Раҳмонназар.

Ака бу савол муаллифи қулоғи остида шапалоқ қайнатай деди-ю, одамлардан уялдими, нос каплади.

Дарвоқе, Матвали ака маҳаллага сўпи бўлгунича хўп ичарди. Аввалига бирор баҳона бўлса ичишарди. Кейинчалик баҳона топиб ичадиган, бора-бора баҳонанинг ўзи акани излаб келадиган бўлди. Қарабсизки, бир чиройли... Ҳозир ҳадим, мотам маросимлари бўлса, умуман ичишмаяпти! Аммо бунинг нафақага нима боғлиқлиги бор? Ҳамма ҳайрон бўлиб, Раҳмонназарнинг оғзига тикилди:

— Ичардингиз. Ҳар куни уйингизга маст бўлиб келардингиз. Опам билан бир уйда яшардингиз, тўғрими?

Жавобнинг ўрнига, ака носини четга юракдан чиқариб туфлади.

— Опамларга, — Раҳмонназар ҳар сўзини таъкидлаб давом этди, — қирқ йилдан буён сиз билан яшаб, оғзингиздан чиққан ароқнинг сассиқ ҳидига мардона чидаб келгани учун вредность — кўшимча пул берилган!

Бу гапдан кейин Саримсоқ кетмонининг орқасини зарда билан ерга урди. Султон қассоб қойил қолганлигини бошини чайқаб, «Ҳайт!» дейиш билан ифода этди. Урайим тезоп трактори томон юарқан, Раҳмонназарнинг елкасига қоқиб, «Маладес, бопладинг!» деди.

Бунақа топқирлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди-да. Хуллас, Раҳмонназарнинг гапига ҳамма қойил қолди. Ҳатто Матвали ака хотини олдида тан бериб, баралла хитоб қилди:

— Ичма, ичма, деяверардинг!.. Мана, ароқнинг ҳам фойдаси тегиб қолармикан!

## АЛОМАТ

Ҳалимжон ака қирқ ёшларда, чуваккина, аммо ҳалимдек одам. У киши билан муносабатларимиз салом-алиқдан нарига ўтмаган. Қаерда ишлайди, билмайман. «Ҳалимжон қаерда ишлашса ҳам ишларни лой қилади, аммо акалари бор, — мойли иш топиб беришаверади, тешик узук ерда ётармиди!» деб кулиб кўйишади. Нега? Буниси ҳам менга қоронғу.

Чорраҳада турсам «Жигули» келиб тўхтади. Ойнадан Ҳалимжон аканинг муштдеккина бошлари кўринди.

— Уйгами? Чиқинг! — деди у.

Саломни қуюқ қилиб, орқа ўриндиқдан жой олдим.

— Тошкентданми? — сўради Ҳалимжон ака кўлимни оҳиста қисиб.

— Тошкентдан.

— Тошкентлар жуда ўзгариб кетибди-а? — деди рулдаги тақамўйлов ака илжайиб. — Кеча келишимда тушгандим, танимадим, вей, танимадим.

— Шодмонқул Жиззахдан, армияда бирга хизмат қилганмиз, — Ҳалимжон ака йўлдошини таништирган бўлди. — Абдулла Акраровга ишқи тушиб қолган экан, ўғлининг тўйига айтиб кетаман деб келибди-да. Олтиарикқа кетяпмиз.

— Абдулла акага гап йўқ-да, — Шодмонқул яна илжайди. — Кечаги куни стадионда кулги кечаси бўлди. Абдулла ака икки соат шунақанги кулдирдики, тан бермаган одам қолмади.

— Ҳа, Абуллажон зўр! — Ҳалимжон ака тамшаниб кўйди.

— Ие! — Шодмонқул йўлкўрсатгичга аланглаб қаради. — «Чамангул» хўжалиги деб ёзиб кўйибдими?

— Ҳа, «Чамангул» бизнинг хўжалик, — жавоб бўлди Ҳалимжон акадан.

— Аломатхон шу хўжалик раисининг муовини-а? — яна сўради Шодмонқул.

— Ҳа, уни қаердан танийсан?— савол бериш навбати Ҳалимжон акага ўтди.



— Э-э-э! — Шодмонкул ўртоғининг тиззасига шаппатилаб кулди. — Санаторийда танишганмиз. Туман катталаридан бири билан борган экан. Катта санаторийда ёшроғини топволиб, бу кишига қарамади. Аломатхон қасдма-қасдига туну кун мен билан бирга бўлди. Оҳ-оҳ-оҳ! Сенам юрибсан-да, яшаяпман деб. Роса бир ой шундай хузур қилдим, эласам ҳали-ҳануз этларим жимирлаб кетади. Идорасига кириб ўтмаймизми? Мени кўрса «дод!» деб юборади.

— Унда ҳов, толнинг тагидан чапга бурил! — Ҳалимжон аканинг фақат овози эмас, ранги ҳам ўзгарганга ўхшади.

Машина идора олдига келиб тўхтади.

— Юр, бирга кириб чиқамиз, — Шодмонкул идорага ишора қилди.

— Биз чекишиб турамиз, кириб чиқавер! — Ҳалимжон ака зардалироқ жавоб берди.

Чекишиб тургандик, Шодмонкул тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтиб чикди.

— Далага чиқиб кетганмиш! — деди у машинасини ўт олдирад экан. — Шу иссиқда далага борармиди, уйда ётгандир.

— Уйига кириб кўяқоласанми? — сўради Ҳалимжон ака. Жавоб кутмай йўлбошловчиликни бошлаб юборди. — Чапга юр. Энди ўнгга бурил. Ҳов, анови тор кўчага буриламиз. Энди тўхта. Мана шу уй!

— Яхшиси уйига сен кириб чиққин, — Шодмонкул қўли билан имо қилди. — Яна уйда эри бўлса, бегона жой...

Ҳалимжон ака шахдам юриб, ичкарига кириб кетди. Дам ўтмай ўша юриш билан қайтиб чикди.

— Уйда йўқ экан. Ҳақиқатан далага чиқиб кетибди! — деди.

Йўлга тушдик. Шодмонкул иршайиб дам кўрсаткич бармоғини силтайди, дам бош чайқаб, «Ҳа, сен!» деб кўяди ўртоғига.

— Нима мен? — учинчи, ё тўртинчи «ха, сен!»дан кейин Ҳалимжон ака зарда билан сўради.

— Аломатхонининг отини айтишим билан қовоғинг осилиб, овозинг ўзгариб қолди, билдим, сенам-а? — Шодмонкул маъноли томоқ қирди. — Уйига ҳам чақирмасдан, нетмасдан кириб кетдинг — худди ўзингнинг уйингдай!.. Кундош эканмиз-ку, Аломатхоннинг

аломатлигини сенга гапириб ўтирибман-а! Ташла! — у қаҳ-қаҳ уриб  
кафтини Ҳалимжон акага тутди.

Ака юзини тескари буриб, оҳишта сўз қотди:  
— Ўз уйимдай-да! Аломат хотиним бўлади!

## ШЎРТИК

Ҳар қандай янгиликнинг кириб келиши осон эмас-да. У каттамикичик қурбонлик талаб этади. Мана, масалан, оддийгина шўртик — калта шимнинг қишлоғимизга кириб келиши учун Абдурахмон ака бутун бошли битта шимини қурбон қилди.

Хуллас, Абдурахмон акага шимнинг бели тўғри келдию, аммо бўйи тўрт энлик узунлик қилди. Хотинига бу ҳақда арз-ҳол қилди.

Хотиннинг ҳам энди шимдан бошқа ташвиши йўқми? Икки кунда бир кимдир кўпайишади ёки келин тушириб, қиз чиқаради. Ака ҳам хотини қатламани ўраб, дастурхонни бошига қўйганда айтди-да, арзини.

— Қўйиб кетаверинг, ҳали келиб қирқиб, буклаб қўярман. Бўлмаса, ҳозир қизингиз мактабдан келади, ўша тўғрилаб берар, — деб кўчага юрди.

— Шуни тўрт энлик қирқиб, буклаб бергин, жон қизим, — Абдурахмон ака мактабдан келган қизига илтимос қилди.

— Вой, дадажон, пахтага чиқишимиз керак, дугоналарим кўчада кутиб туришибди, — деди қизлари шимга қиё ҳам боқмай. — Келинойим уйдалар-ку, беринг, қирқиб, букиб беришади.

Акамиз юракдан чиқариб «уфф!» дея, этак кўтариб кўчага юрган қизининг орқасидан қараб қолди. Шу аснода қўшни уйдан келинлари чиқиб келди.

— Ҳа, дадажон, тинчликми? — деб сўради у.

— Шу шимни тўрт энлик қирқиб, буклаб берсангиз, — деди Абдурахмон ака кўнгли сал ёришиб.

— Бўпти, менга беринг! — деб келин шимга қўлини чўзди.

Аммо шу пайт чақалоқнинг йиғлаган овози эшитилди. Келин чопганича уйига кириб кетди. Шим аканинг қўлида қолди. У шимни зарда билан сўрига отганча, тўйга равона бўлди.

Абдурахмон ака жўнаб кетгач, келинлари шимни тўрт энли қирқиб, икки энли буклаб, жойига қўйибди.

Икки соат ўтиб хотинлари йўқландидан келиб, дадаси шимимни тўғрилаб бергин, деганди дея тўрт энли кесиб, икки энли буклаб, маҳоратларини кўрсатишибди.

Камига пахтадан қайтган қизлари ҳам...

Эртасига Абдурахмон ака қишлоғимиз эркаклари ичида биринчи бўлиб шўртик — калта шимда кўчада пайдо бўлди.

## ЎРТАР

Ўринбойнинг исмига “ўртар” сўзини кўшиб айтишади. Қўшмасаям бўлмайди. Юрсаям, турсаям, ҳатто уйқусираганда ҳам шу кўшиқни хиргойи қилгани қилган. Қўшиқнинг тугамаганига ҳайронлар қоласиз. Салом-алиқлариям “ўртар” билан бўлади!

Бошимни силаб эшик оғзида ўтирсам, “пат-пат” мотоциклини миниб келиб қолди:

— Тузукмисан? Агар ошиқлигим айтсам... Бола-чақаларинг қандай? ... куюб жоним жаҳон ўртар. Ҳа энди бизам юрибмиз, тупроқдан ташқари. Бу ишқ сиррин баён этсам... Ишларам тузук... тақи ул хонумон ўртар.

“Дўст!” дейдиган одам йўқ.

— Шаҳарга тушиб, бир пивоҳўрлик қилиб келмаймизми? — оғайним давом этди. — Бу дард ила хароб ўлдим... Бош чатоқ... келиб ҳолимни сўрмайсан. Ўйланма. ўами бошқа, алам бошқа... Кетдик. Юрагимни фиғон ўртар.

Орқасига мингашдим. Қўшиғи босиқ бўлсаям, араваси учиб кетаркан-вей! Секинроқ юр, деганим сайин тезлайди-да!

— Бу — рекета, ракета — бу! — деб қўяди яна.

Ярим йўлга борганда “ракета” негадир “ғийқ” этиб тўхтади.

— Ҳа, тинчликми? — деб сўрадим.

— Бу Машраб дардини жонон... Пинжагимнинг олдини орқага қилиб кийиб олай... ҳеч ким бошига солма... тугмаси йўқ. Агар машҳарда оҳ урсам... Шамол уриб, кўкракни тешиб юбораман деяпти... беҳишти жавидон ўртар... Агар ошиқлигим айтсам...

Яна учиб кетдик. Нимадир “тарақ” этиб кейин йиқилдикми, ё аввал йиқилиб кейин тарақладими, билмайман. Ўзимга келиб, кўзимни очганимда зовурнинг ичида ётардим. Ўнг оёқни кўтариб, каллани буриб бўлмайди. Бир илож қилиб, эмаклаганча зовурнинг ичидан чиқдим. Ўринбой зовурдан ошиб, тутқаторга бориб тушган экан. Тепасида иккита шифокор ҳам турибди.

— Қара-я, калласи тескари бўлиб қолибди, — деди улардан бири.

— Ҳозир тўғрилаб қўямиз-да, — иккинчиси кучайди. — Сен орқасидан босиб тур. Ҳа, ҳа, яна озгина... Бураяпман... Бўлди. Калласи ўнгланди. Мабода оёқлари ҳам алмашиб қолмадимикан, ағдар-чи?

— Ие! — билағон шифокор сакраб тушди. — Боплабмиз-ку! Калласи тўғри-ю, пиджаги тескари экан.

“Дўст” дейдиган одам йўк!

## ЖИМ ЖИМА

Кўй олдим, қоп-қора, пешонасида оппоққина ҳоли ҳам бор. Ювошлигини айтинг. Уни устига икки ҳафтадан кейин туғиб ҳам бераркан.

Ҳовлига келгач, арқонини устига ташлаб, «Кўриб кўй» дегандай хотинга қошим билан имладим. Хотин кўйни обдон айланиб кўрди, нархини айтгандим:

— Арзон олибсиз, арзон! — деб қувониб кетди.

Сўрига ёнбошладим. Чойнакни мағрур кўтариб, охириги томчиси қолгунча симирдим.

— Ишкилиб, совлиқлиги аниқми? — сўраб қолди хотинбой бирдан.

— Ҳов, бизи... — деб сўз бошлаб хотинни гап билан пачоқ қилиб ташламоқчи бўлдим-у, ўтган галги харидим эсимга тушиб, тилимни тишладим. Айтирли жа, хунук воқеа бўлмаганди: кўчқор сотиб олгандим, бир ой ўтмай «кўчқор»им туғиб берди!

— Совлиқ, совлиқ! Кўриб олдим! — дедим алаимини ичимга ютиб.

Ҳовлининг ўртасини қовлаб, гулҳовуз қилгандик. Кўйим ўша томонга юрди. «Ҳа, энди меҳмон, гул-пуллардан еяқолсин», деб турсам, Совлиқой ҳовузга калла ташлаб юборса бўладими! Эру хотин ҳай-ҳайлашиб у томонга чопдик. Қочди. Хотин супурги билан, мен косов билан қуролланиб кўйхона томон ҳайдадик. Кўй негадир, эшик қолиб деворга калла урди: «гурс» этиб йиқилди.

— Қандай бало кўй олдингиз, кўрми бу? — хотин ҳайқирди.

— Ўзинг кўр! — дедим жаҳл билан. — Кўзлари порлаб турибди-ю, кўр дейсан. Янги жой, янги одамлар — ҳаяжонланапти.

— Ҳаяжонланмай ўлсин! Кўй ҳам ҳаяжонланадими? Бунингиз кўр! Очиқ кўр! — хотин зарда билан супургисини кўй томонга отди.

— Тинчликми, тинчликми? — кўча эшиқдан қўшним Мели жимжима кириб келди.

«Жа, кўзим учиб турганди-да!» дедим ичимда. Хотин билан энди «айтишув»ни бошласак, жанжал томоша қилгани бошқоронғу

бўлганми, ҳамиша ҳозиру нозир-да. Лекин ўзи яхши бола. Ҳатто, «Ойни олиб чиқаман», деб кайф устида қудуққа калла ҳам ташлаган. Унчалик катта фалокат бўлмади: олти ойгина касалхонада ётди! Шифокорларимизга раҳмат, Меливой ҳозир зўр. Фақат чап кўзи светофорнинг сариқ чироғига ўхшаб пирпираб — жимжима қилиб туради. Безарар. Бегона аёлларнинг эрларидан, ака-укаларидан икки кунда бир калтак еб туришига ўзи айбдор. «Бегона қиз-жувонларнинг олдида кафтинг билан кўзингни беркитиб ўтгин!» деймиз, кулоқ солмайди-да!

— Пешонамга кўр қўй олиб келибди акангиз! — хотин шу дебоча билан гапини бошлаб, мени зумда тупроққа қориб ташлади. «Кўрсавдо», «Лақма» каби «фазилат»ларим ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Жимжима бармоқларини ликиллашиб, кўзига пуфлаб, қулоғини тутиб қўйни текширган бўлди.

— Ҳа-а! — деди кўзини пирпиратиб. — Ҳақиқатан ҳам кўр қўй олибсиз. Қўйингиз — очиқ кўр!

— Қалайгина арзон-гаровга олиб келибди деб тургандим! — хотинга Худо берди.

— Алдашибди-да, — дедим бўшашиб.

— Алдаганларни танирсиз? — сўради жимжима.

— Бозор бўлса, мингта одам...

— Бозор бўлса деб тўғри келган қўйни етаклаб келаверадими? «Кимсиз? Қаерликсиз?» деб сўраб, суриштириб олмайдими одам? — хотин авжига чиқди.

— Сўйиб сотсангиз қандай бўларкан? — қўшним таклиф киритди.

— Бўғоз. Икки ойдан, йў-ғе, икки ҳафтадан кейин туғиб бераркан.

— Унда сотиб қутиласиз! — Меливой ҳукм чиқарди.

— Кўр қўйни ким ҳам оларди... — дедим.

— Кўрсавдо фақат битта сиз эмасдирсиз бозорда! — хотин қўл силтаб, кўз-ёшини этагига артганча нари кетди.

Меливойга илтижо билан би-и-ир боқиш қилдим.

— Сотамиз, ака. Ўзим сотиб бераман, — деди умрингдан барака топкур Меливойжон.



— Айбини айтиб сотмасак гуноҳ бўлармикан? — дедим чайналиб.

— Айбини айтиб сотамиз, бу ёғига эрисангиз бас! — дея Абдумеливойжон кулиб елкамга қоқиб, эшик томон юрди. — Бозор куни кўришамиз.

Бир ҳафта Совликхон билан биргалашиб ётдик, турдик, ўт едик, сув ичдик: оғироёқ, унинг устига пулга келган жонивор-да.

Якшанба куни Абдумеливойжон билан бозорга бордик. Қўйни ушлаб турибман-у, жиноят қилаётгандай қалтирайман.

— Сени қўйинг бўлақолсин, қанчага кирса сот дардисарни, мен розиман.

Аркон жимжиманинг қўлига ўтиши билан бир йигит қўйнинг атрофида айланиб қолди.

— Қўй олмоқчимисан, ука? — сўради Меливой.

— Гўнг хидлагани келганим йўқ, ака, — йигитдан жавоб бўлди.

— Унда қўйни кўр! — жимжима кўзларини пирпиратиб сайрай кетди. — Раз, олмоқчимисан, қўйни яхшилаб кўр. У ёғидан ҳам айланиб кўр, бу ёғидан айланиб ҳам кўр. Қўй — кўр!

Йигитга қўйим маъқул бўлдими ёки Меливойнинг тез-тез «маргат» қилиб туриши таъсир қилдими, қўйга чиппа ёпишди- қўйди.

— Оламан, ака, — деди баралла. — Нархини айтинг.

— Йўқ, олдин сен кўр! Қўй — кўр деяпман! — «Жимжима» қўлини қўйга ниқтади. — Яхшилаб кўр!

— Уфф! Мунча қўй кўр, қўй кўр деяверасиз!? — йигитнинг жаҳли чиқди. — Кўрдим. Маъқул. Нархини келишсак олиб кетаман! — деди сўнг.

— Юз деяпман, сўрайверасан, укам! — Меливойи қурғур олганимга икки баравар нарх айтди.

— Юзни иккига бўламиз, эллик минг бераман! — йигит ҳам дангалчи экан.

— Э! — Меливойнинг афти буришиб, чап кўзи йўқ бўлиб кетди. — Қўйнинг туришига қараб баҳо айтгин, укам. Қўй — кўр. Эллик минг дейсан. Икки ойдан кейин туғиб беради бу!

— Эллик бирга бўладими? Эллик иккига-чи? Боринг ака, эллик бешга бор бараками? — йигит астойдил жимжиманинг қўлини силтай кетди.

Бош чайқайди-да, номард! Йигитнинг орқасида турволиб, «Бервор!» деб имо қиламан, ёнига бориб оёғини босаман, биқинига туртаман, қани парвойига келса Мели эш-шакнинг!

— Мени танияпсанми ўзи? Муллавалининг танти йигитларидан бўламан. Истасам, беш-ўн минг сўмни бир ўтиришда сарф қилиб юбораман! Бир минг, икки минг деб майдалашасан! Эллик бешлик қўйми шу! — дейди-да унинг устига.

Чидолмай нари кетдим. Бир оз ўтиб қайтиб келсам, ҳарқалай, савдолари пишибди шекилли, Меливойжон пул санаб оляпти. Йигит қўйни етаклаб кетди. Меливойжонқўзи ғўдайганича кабобхона томон юрди.

— Қалай қилдим? — сўрадилар виқор билан кабобпазнинг ўтирғичига чўкаркан.

— Гап йўқ, укам! — дедим елкасига қоқиб. — Аммо йигит қўйнинг кўрлигини билгач, ташлаб кетса керак. «Муллавали» деб қишлоқнинг номиниям айтвординг.

— Ташлаб кетса кетар, — укам бепарво қўл силтаб, кабобпазга кўз қиса кетди. — Ўнта жазлигидан қўйинг! — сўнг менга юзланди. — Қўйингизни олтмиш бешга урдим. Манови эллик сизга, ўн минги менинг хизматимга, бешига еймиз, ичамиз, қўлни ташланг!

— Гап йўқ. Аммо қўйни қайтариб келса, ўзинг жавоб берасан.

Қоринларни қаппайтириб, томоқларни хўллаб, қишлоққа тебраниб кириб борсак, айтганимдай, бозордаги йигит Мелининг эшигида қўй ушлаб турибди.

— Сенга айтмовдимми! — дедим баралла кулиб. — Хизматингни бердим, энди бу ёғи билан ишим йўқ.

Жимжима гапларимга қулоқ ҳам солмай, йигитга юзланди:

— Ҳа, ука, тинчликми?

— Бу қўйингиз кўр экан-ку! — деди йигит жириллаб.

— Ҳа, кўр эди, — қўшним бепарво жавоб қилди.

— Бозорда молнинг айбини айтиб сотмайдими! — йигитнинг овози зардали янгради. — Қанақа имонсиз одамсиз!

— Ие, хов, сен, менга гапиряпсанми? — Меливой кўлини пахса қилди. — Ҳали мен сенга имонсиз бўлиб қолдимми? Қўйнинг айбини айтмадимми!? Қўй — кўр! У ёғидан ҳам айланиб кўр, бу ёғидан ҳам айланиб кўр, қўй — кўр, дедимми, а, дедимми?!

— Д-д-дедингиз, — жимжиманинг дўқидан йигит дудуқланиб қолди.

— Деган бўлсам нимага жириллайсан!? — Меливой ерга туфлаб, эшиги томон юрди.

— Энди бунини мен нима қиламан? — йигитнинг овози йиғламсираб чиқди.

— Хохласанг кўз дўхтирига обор, хохласанг кучоқлаб ёт — бу сенинг ишинг! — дедилар Меливойжон укам эшиклари оғзида ортларига бурилиб.

— Ака! Жон ака! — йигит чопиб бориб жимжиманинг билагига ёпишди. — Гапга уста экансиз, ўзингиз сотиб беринг, рози қиламан.

— Э, мен сенга қўйпурушмидим! — Меливой жеркиб берди.

— Қанча десангиз бераман, жон ака, йўқ деманг! — йигит ялинишга ўтди.

— Бўпти. Якшанба куни азонда бозор дарвозаси олдида учрашамиз! — Меливой ноз қила-қила рози бўлди.

Йигит кўли кўксига қўйни етаклаб кетди. Жимжиманинг устидан масхаралаб баралла кулдим. Сўнг:

— Мен қўйдан қутилдим, сен эса тутилдинг! Ўн минглик ташвиш сотиб олдинг ўзингга! — дедим.

Меливой бир сўз демай уйига кириб кетди.

Бекорга кулган эканман. Меливойжоннинг ишлари шунақанги юришиб кетди... Олти ҳафтадан буён бозорга қатнайди. Ҳар сафар қўйни сотяпти, харидор қайтариб олиб келяпти. Абдумеливойжонкўзи яна бошқасига пуллаяпти!

— Худога шукур, қўйингизнинг орқасидан бозорлигим чиқиб турибди. Олтитасига сотдим қўйингизни. Ҳали яна қанчасининг пулини оламан, ўзимам билмайман. Мабода бу кўр қўйингизнинг

шериги йўқмиди? Кўр мол ёки эчки бўлса ҳам бўлаверади! — деяптилар Абдумеливойжонқўзи акам, йўғе, укамлар, бозордан қайтиб, эриб ўтирганларида. Ҳазил қиладилар-да. Ҳазиллари ҳам ўзларига бирам ярашади-ей. Бозорларини берсин, илойим!

## ТАДБИРКОРЛИК

Ишдан олинган, бўшатишган одамлар ҳақида эшитгансиз, биласиз. Аммо мен ҳикоя қилмоқчи бўлган ишдан кетиш воқеаси тушингизга ҳам кирмаган бўлса керак. Воқеа мактаб боғи билан ошхонани туташтирувчи чорраҳада рўй берди.

Директор ўринбосари Олимжон (нима бўлганларда ҳам раҳбар-да) олдинда, биз эса, орқада (оддий ўқитувчилармиз-да) ошхона томондан келардик. Боғ томондан қоровулумиз Соли бува аравасига ўт юклаб чиқиб қолди.

— Ҳа, бобой, — қовлаётган чўпини тишидан олиб, оғзидаги гўшт қолдиғини йўлга туфлаб олгач, Олимжон гапини давом эттирди. — Уйгами? Бу ўтларни бизнинг ҳовлидаги мол-қўйлар емасмикан, а?

Ўзи ошхонадан жиндай-жиндай томоқ хўллаб, аския қилиб чиқаётгандик. Олимжоннинг гапи унча кулгили бўлмаса-да, «хох»ладик, раҳбаримиз, ҳурматларини жойига қўйиш керак.

Бобой тишсиз оғзини очиб, кулгимизга қўшилди: уям мактабда ишлайди-да.

— Биздаям мол-қўй бор, аммо уни мактабнинг боғидаги ўт-ўлан билан боқмаймиз, — деди Олимжон жиддий.

— Энди, ўғлим, бегона ўтлар... Тураверса ёғин-сочинда чириб, йўқ бўлиб ҳам кетади, — деди Соли бува гуноҳкордай.

— Чириб кетмасди, мактабниям ейман-ичаман деган қўйлари бор, — деди Олимжон.

Директоримиз Дадахон ака бундан икки ойларча бурун ёрдамчи хўжалик ташкил қилиш ташаббуси билан чиққанди. Энди бир нарсани билмаса, раҳбар бўлмайди, бир нарсани бошламайди, деб фикрларини маъқуллагандик. Ўқитувчилардан, ўқувчилардан оздан пул тўплардик. Дадахон аканинг ўзлари бориб икки бош қўй, тўртта қўзичоғи билан олиб келди, ёрдамчи хўжалик ташкил бўлди.

Э, бобой буларни қаёқдан ҳам билсин! У ёрдамчи хўжаликнинг тақдирот маросими — «ювди-ювди»си куни қоровул сифатида иш бошлаганди.

Олимжон ана шу ёрдамчи хўжалигимиздаги қўйларни назарда тутиб, гап қилганди, биз унинг гапини маъқуллаб, «Тўғри, тўғри», дедик, бош қимирлатдик.

— Бунинг отини, — Олимжон ҳар сўзини урғулаб давом этди, — ташмачилик, ўғирлик, дейдилар, бобой!

Соли буванинг кулиб турган юзи жойида қотди. Олимжонга хўм-райиб тикилди. Сўнг:

— Ҳали сенлар тўғри-ю, мен ўғри, муттаҳам, ташмачи бўлиб қолдимми? Э, ўргулдим сенлардан! Мактабингни елкаминг чуқури кўрсин! Ишламаганим бўлсин, кетдим! — деди-да, аравасидаги ўтқи олдимизга ағдариб, шартта ортига бурилиб, биздан узоқлашди.

— Кетса, кетиб ўлсин, — дедик ўринбосаримизни қўллаб-қувватлаб. — Қишлоқда қоровул бўламан деб юрганлар сон мингта.

Аммо бува ёрдамчи хўжалигимиз — қўйхона томон юрди. Унинг эшигини очиб, ичкарга кирди. Кейин... Қўйларни олдига солиб ҳайдаганча ишдан... кета бошлади!

Анграйиб қолдик. Албатта, Олимжон раҳбарлигида унинг йўлини тўсиб:

— Бу нима қилганингиз? Қўйларни қаёққа олиб кетяпсиз? Нима ҳақингиз бор? — дедик.

Аммо миясини еган чол, саволларимизга жавоб бериш ўрнига:

— Қоч! Йўлимни тўсма! Сенлар тўғри, мен ўғри! — дея қўлидаги хипчин билан солиб қолишига сал қолди.

Соли бува кетди. Қўй-қўзиларни олдига солиб ҳайдаганча ишдан кетди!

Биз эса елка қисиб, лаб буриб, ўз таажжубимизни бир-биримиз билан ўртоқлаша кетдик.

Энг ажабланарлиси, тумандаги йиғилишдан қайтган директоримиз Дадахон ака воқеани эшитиб, бир сўз демади. Боши билан имо қилиб, Олимжонни хонасига бошлаб кириб кетди. Улар ўртасида қандай гаплар ўтган, бизга қоронғу. Аммо муаммонинг ўта зукколик ва тадбиркорлик билан ҳал этилганига эртасига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик: икки бош қўй, тўртта қўзичоқ, ранглари бошқачароқ бўлса-да, ёрдамчи хўжалигимиз биносида кавш қайтариб турарди,

тепаларида янги коровулимиз билан.

## ЎҒРИЛАРУ ТЎҒРИЛАР

Чойхонада тарқалган хабардан ҳамма ҳангу-манг бўлиб қолди: «Қўшни қишлоққа вилоятдан вакиллар келибди. Уйма-уй юриб электрдан фойдаланишнинг аҳволини текширишибди». Албатта:

— Ие! Шу кам эди! Оббо! — деди кўпчилик.

Бири-бирдан қизиқ хабарлар айтилган сайин, хитоблар ҳам ранг-баранглашиб борди.

— Текширувчилар кирса, Эгамназар «ун»нинг тегирмони гуриллармишу, аммо электр ҳисоблагичи пинак бузмай турганмиш. Обдон қовлаштиришса, Эгамназар тегирмонига ҳисоблагични айланиб ўтадиган сим улаб олган экан.

— Вой, муттахам-эй! Ўн кило буғдойдан бир кило ун олиб қолишни билади-ю, давлат билан тўғри ҳисоб-китоб қилишни билмас экан-да!

— Уста Ниёзматнинг арра-ю рандалари туну кун электр билан тирик. Аммо вакиллар ҳисоблаб кўришса, электрдан Ниёзмат эмас, давлат қарздор бўлиб чиқибди. Ниёзмат тушмагур ҳар куни ҳисоблагичини ортга қайтариб қўйишни канда қилмас, кеча нафси ҳакалак отиб, икки кунлигини ортга қайтариб қўйган экан!

— Уста эмас, устамон бўлиб кетган экан-да! Вой, ўғри-ей! Эшик-дераза ясаб фойдасини кўрганингдан кейин, электрнинг пулини тўлаб қўймайсанми, хумпар!

— Вакиллар Собир домланикида ҳайратдан ёқа ушлашибди: ҳамма электр асбоблари хизматда эмиш! Уйидаги жамики чироклар, ҳатто дазмоллар, ёз бўлса-да, электр печкаларгача ёқиб қўйилганмиш. Кир машина-ю совитгичлар ишлаб турганмиш. Аммо уларда ювиш учун кир ёки совутиш учун масаллиқ йўқ эмиш! Челақларда, чойнақлардан сувлар қайнаб ётганмиш. Лекин домланинг ўғли чой дамлаш ўрнига, уларни тўкиб ташлаб, қайта совуқ сув қуйиб, яна қайнатаётганмиш. Электр ҳисоблагич эса, визиллаб ишлаётганмиш... Фақат тескарисига!



— Олий маълумотли, тушунган одамнинг қилган ишини қаранглар-а! Бекорга домланинг айтганини қил, қилганини қилма, дейишмайди-да. Қип-қизил зараркунанда экан-ку!

— Ҳаммасини жаримага тортишибди. Баъзиларининг ишини судга оширамиз дейишибди. Туман электр идорасида ишлайдиган битта-иккита чакқон ўртага тушиб, мурсаи-мадорага келтирмоқчи бўлибди. Вакиллар, «Бунақа бузғунчиликларнинг ўргатувчиси, раҳбари, раҳномоси — сенсанлар! Сенларга аталган жазоларимиз ҳам бор!» деб уларни олдиларига солиб қувлашибди.

Одамлар тарқала бошлашди. Айниқса, «Муттаҳам! Ўғри! Зараркунанда!» деб энг юқори пардаларда хитоб қилганлар, биринчилар қаторида уйлари томон юришди.

Ҳажвияга шу ерда нуқта қўйгандим, аммо асосий хангома кейин бўлибди. Расул ака уни завқ-шавққа тўлиб хикоя қилиб берди.

— Менам, сен айтган хитобчилар сафида бўлмасам-да, шум хабарни эшитгач, уйга қараб йўл олдим. Тўғри, ўғринча сим ўтказмаганман, ҳисоблагични тесқари айлантирадиган одатим ҳам йўқ. Электр пулини вақтида тўлайман дейман, аммо уч ойдан буён ишлаб қўйган ойлигимни ололмайман. Ҳисоблагич бўлса, бундан беҳабар айланиб ётибди. Буни текширувчиларга тушунтириб бўлмаса. Нима қилиш керак? «Қарзингиз бор экан, пулини тўлаб қўйинг!» деб келган инспекторнинг чўнтагига бир-икки сўм тиқиб мослама қўйдириб олдим. Уни қўйсангиз ҳисоблагич ишлашдан тўхтайтиди, лекин чироқ ёниқ тураверади.

Уйга келсам, ҳовлида соқинлик: болалар мактабда, итим сўри остида пашша қўриш, хотин эса унинг устида хамир қориш билан банд.

Шитоб билан бориб, электр ҳисоблагичга ёпишганимни кўриб:

— Ҳа, тинчликми? — деб сўради хотинбой.

Мосламани олиб, чўнтакка яширдим-да, унинг тепасида пайдо бўлдим.

— Хамирингни ичкарида қори! — дедим ҳар сўзимни таъкидлаб. Хотин хамир юқи қўлининг орқаси билан иягини қашлаб, савол назари билан қараганди, давом этдим. — Вилоятдан келиб электрни

текшириб юришганмиш. Таниш-билиш, ошна-оғайни деган нарсаларга қарашмаяпти экан. Қарзимиз кўп, чироқни узишади. Шунга, Одам атоси чақириб келса ҳам, овоз берма! Ҳеч ким йўқ экан, деб уйга киришмайди.

Хотинбойнинг «бўпти»сидан кўнглим тўлиб, кўча томон юрдим. Дарвозадан шундай ўтганимни биламан, кўшнининг уйдан чиқаётган икки бегона йигитга кўзим тушди. Нима қилиш керак? Шарт ортимга ўгирилдим: ўз дарвозамга юзма-юз бўлдим. Ортимдан келаётган йигитларнинг қадам товушини бир-икки санаган бўлдим-да, овозни баралла қўйиб, уйимни чақира кетдим:

— Расулжон ака! Ҳо-ов, Расулжон ака!

Йигитларнинг ортимда турганини сезиб, товушимни кўтардим:

— Расулжон ака-а-а! Ҳо-о-ов, Расулжон ака-а-а!

— Овоз беришмаяптими? — папка қўлтиқлаган йигит ёнимга келди.

— Уйда ҳеч ким йўқ шекилли, — жавоб қилдим пинак бузмай.

— Сал ичкарироққа кириб чақирайлик, — иккинчи йигит дарвозадан ўтмоқчи бўлди.

— Ҳай, ҳай, ҳай! Ити бор! — дедим унинг билагидан тутиб.

Шу пайтда сўрининг тагида чўзилиб ётган Бўрибосаримнинг эшикдан чиқишини, ё бир борагина «Вов!» деб қўйишини шундай истадим, шундай истадим, қўяверасиз! Отини айтиб чақирай десам, шарманда бўламан. Нима қилиш керак? Қалламдан айланай, дарров маънили бир йўл-йўриқ ишлаб чиқарди. Йигитни ортимга суриб, аввалига:

— Ити эшакдай келади, кирсангиз ейди! — дедим. Сўнг дарвозага қараб, — Оти Бўрибоса-а-а-ар! — деб бақирдим.

Йигитлар хийламини сездимикан, дегандим, йўқ. Эшикдан отилиб чиққан Бўрибосаржонимдан қочишни бошлаб юборишди. Уларнинг орқасидан менам чопдим, ортимиздан Бўрибосаржон! Хўжайиннинг ўйнашгиси келди деб ўйладими, ирғишлаб-ирғишлаб чопади, жонивор! Ўзим ҳам бир чопиш қилдим, йигитлар ортимда қолди. Шундай ўгирилсам, икковининг тили осилиб қолибди, аммо чопишдан заррача тўхташгани йўқ. Папкалари қўлтиқларидан тушиб, қоғозлари сочилиб

кетдиям, парво қилмай югуришда давом этишди. Лекин чойхона олдига келганда Бўрибосар йигитларни ҳам, мени ҳам қувиб олдинга ўтиб кетди! Йигитлар елкаларидан нафас олишиб, оғиз ва кўзларини бор бўйича очганча жойларида қотиб қолди. Бўрибосаргинам эса, пойгада ғолиб чиққан соқовдай, думини ликиллатганча, чорраҳани гир айланиб, чопишни бошлади.

## ХЎКИЗ МЕҲМОНЛАР

Машинам свечасини ҳўлайдиган одат чиқарди. Свечаларни олиб, тозалаб, қайтариб ўрнига қўйиб турсам, Нўъмон ака келиб қолди.

Одам мавжудод оламининг сарвари ҳисобланди. Шу боисдан бўлса керак унинг асли-насида ҳайвоний ҳислатлардан айримлари сақланган. Мол, қўй, эшак, илон, тулки, чўчка ва ҳоказо лақабларнинг ишлатилиши бунинг ёрқин исботи!

Нима деётгандим?

Ҳа, машинани қовлаб турсам, Нўъмон ака келиб қолди. У кишини «ҳўкиз» деб аташади. Балки бунга иккинчи пиёладан кейин ҳали боғдан, ҳали тоғдан оғзига келганини гапириб, мияни ачитиб юбориши, тўнтарилган шишалар сафи ортган сайин у кишининг ҳайвоний ҳислатлари намоён бўлиб, қутирган ҳўкиздай улфатларини тепиши, тишлаши, сузиши сабабдир.

Нима деётгандим?

Ҳа, машинани қовлаб турсам, ана шу Нўъмон ҳўкиз ака келиб қолди.

— Машинангни юргаз! — деди у. — Қизим тўй қияпти. Ҳўкизни олиб бориб, тўн кийиб, белбоғ боғлаб, зиёфатнинг қуюғини еб келамиз.

Энг ёмон кўрганим мана шунақа, рулда борадиган зиёфат! Ичолмайсан. Ичмаганингдан кейин қатламани қуймоққа ўраб, асалга ботириб е — бари бир жойига тушмайди. Унинг устига менга хотинимнинг соғлиғи керак. Кечаги куни ана шунақа қуруқ зиёфатдан келиб, шундай ёнига ётсам, хотин вой-войлаганча, сакраб ўрнидан туриб кетди. «Ўл, эрингни ҳам танимай қолдингми?» дедим ҳайрон бўлиб. «Вой, сизмидингиз? Оғзингиздан ароқнинг ҳиди келмаганига сизни бегона эркак деб ўйлабман!» дейди. Қуруқ зиёфатга бориб, ичмай келиб, хотинбойни юрак ўйноғи қилиб қўйсам яхшими?

Нима деётгандим?

Ҳа, машинани қовлаб турсам, Нўъмон ҳўкиз, «Қизимнинг тўйига ҳўкиз олиб бориб, ҳўкиз меҳмон бўлиб қайтамиз», деб келиб қолди. Баҳона ҳалтамни обдон қовлаштириб, суяги бутунроқ баҳона топол-

мадим. Хуллас, машинага ҳўкизни ортдик. Бошқалар Жўравойнинг «Жигули»сига ўтирди. Таъзияга одам айтиш, фотиҳага, касалхонага бориб келиш бўлса, Жўравойнинг ё бензини бўлмайди, ё бирор муруввати ишламай қолади. Аммо тўй, зиёфат десалар учади. Машинасининг хужжатлари, Жўравойнинг эса, хайдовчилик гувоҳномаси йўқ. Тўкин дастурхон бўлгач, Жўравой қаёқдаги баҳоналарни рўқач қилармиди!? «Темирнинг ҳам пирлари бўлади. Қўни-қўшнининг ҳожатини чиқармасангиз, пирларнинг жаҳли чиқади, машинада кетаётиб бир балога йўлиқасиз!» деб ҳам қўяди Жўравойи тушмагур ўзини оқлаб.

Нима деётгандим?

Ҳа, ҳўкизни машинамга ортдик. Нўъмон ака биқинимдан жой олди, йўлга тушдик.

— Қўркмай ичаварасан, яқин жой-ку, — деди Нўъмон ака осилган ковоқ-тумшуғимга қараб.

Сал кўнглим ёришди. Тўйхонага боргач эса, мезбонларнинг гап-сўзларидан яйраб кетдим:

— Келинлар, келинлар, ҳўкиз... меҳмонлар!

— Бир йўла пода бўлиб келибсизлар-да, хуш кўрдик.

— Энг катта ҳўкиз... меҳмон юқорига ўтсин!

— Тортинмасдан олишиб ўтиринлар, ҳўкиз... меҳмон акалар, бу ноз-неъматларнинг ҳаммаси сизларга аталган.

Зимдан Нўмон акага қарасам, аччиқланиш ўрнига лаб-лунжини йиғиштиролмай, кулиб турибди. Роса едик, ичдик, сарполар кийдик... Бир қоп гўштга айланган бош ҳўкиз меҳмон — Нўмон акани кабинага юқлаб беришди, ортга қайтдик. Менам ичганману, аммо йўлни кўриб турибман. Бирорта гаи-паи тўхтатмаса бас, уйга етиб оламан.

Машина чайқалади, унга қўшилиб ҳўкиз акамлар ҳам. Ҳаёлимда бу ҳўкизни қандай йўллар билан кабинадан тушириб олишу, уйига киритиб қўйиш: орқаласам — кўтаролмайман, юмалатсам бу бочка эмас, ҳўкиз.

Нима деётгандим?

Ҳа, каллада мингта хаёл, йўлда кетяпмиз. Аввалига қизил калтак, кейин қўл, охирида формада турган унинг эгаси кўринди. Ёнида машинаси ҳам бор. Уфф! ўйиқ! Тўхтадим. Нўъмон аканинг пешанаси ойнага тегди.

— Нимага тўхтадинг, ҳайда! — деди у кўзини бир очиб, бир юмаркан.

— Ичавер, ичавер, дедингиз мана оқибат: ГАИ тўсди.

Гапим жавобсиз қолди: ака уйқуни қолган жойидан давом эттиришга киришди. Юракдан чиқариб уффни тортганча, машинадан тушдим.

— Ака, трос борми? — юзлари гул-гул яшнаб келаётган назоратчи сўради.

— Трос?.. — назоратчининг хушмуомалалигидан довдираб қолдим. Каловланиб бортга чикдим. Калламдан айланай, ҳўкиз сўйилгач, арқонини машинага ташлаб қўйгандим. Назоратчига узатдим.

— Э, арқон бўлсаям пишиққина экан, — деди назоратчи уни силтаб.

— Ҳўкизники! — деб қўйдим кабина томонга ишора қилиб.

— Майли, майли, бўлаверади, — назоратчи қўли кўксиде илтимос оҳангида давом этди. — Машинанинг мотори сув қўйиб юборди, устахонагача судраб кетсангиз.

Воқеаларнинг бундай ривожидан бошим осмонга етди. ўайратим жўшиб, зумда машиналарни бир-бирига боғладим.

— Аммо секинроқ юрасиз-да, — назоратчи қўли кўксиде огоҳлантирди.

— Ўнда юраман, бешда юраман, нолда юраман, — жавоб қилдим менам ўша ҳолатда.

Эшигини қарсиллатиб ёпгандим, Нўъмон ака сесканиб кўзини очди.

— Келдикми? — сўради у тушишга чоғланиб.

— Энди кетяпмиз.

— Унда хайда! — дедилар қўлларини олдинга ишора қилиб. Уйқу сал ўзларига келтириб қўйганми, мени алқай кетди. — Зўр боласан! Сени яхши кўраман. Ке, бир ўпиб қўяй.

Рухсатимни кутмасдан, ўнг юзимдан чўлпиллатиб ўпди.

— О-о-о! Асалсан, асал! — деди лабини кафти билан артиб. — Аммо зиёфат ҳам зўр бўлди-да! Қудамга гап йўқ, ўғил бола, нима дединг?

— Бўлади, — жавоб қилдим бепарво.

— Олтита кудам бор, — ака давом этди. — Каттасини биласан, Йўлдош сўпи. Одаммас. Эллик йил кечаси-ю кундузи номоз ўқигани, саксон саккиз марта хожига бориб келгани билан гуноҳларини юволмайди. Унинг гуноҳлари миллион қават бўлиб кетган. Мени битта айбим бор — ичаман, нима бўпти? Ичаман, ичаман, тўлдириб-тўлдириб ичаман! Ичаман, ичаман, бостириб-бостириб ичаман!

Ака охирги гапларини куйга солиб, хониш қилиб юборди. Бирдан:

— Нима деётгандим? — дея қўққис савол ташлади.

— Олтита кудам бор...

— Ҳа, олтита кудам бор, — ака оғзимдан гапимни илиб кетди. — Каттасини айтдим — аблах! Қолганлари... Уларам бўлмайди. Аммо бугун тўй қилаётган кудамга гап йўқ. Қаерда учраб қолса, яримта ичирмагунча қўймайди... Фозилхўжанинг дўкони олдида Олим қизик икковимиз энди учтани бўшатиб турсак, Етовқўзи келиб қолди. Етовқўзи ичмайди-ю, аммо қўли очиқ бола... Раҳматжон дарров биттани олиб чикди. Памилдори сотиб келаётган экан... Шундай уйнинг олдида келиб машинадан тушдим. Қарасам, пиёз бозорида юрибман... Бу сигиринг неча пул туради, дедим. Ёлғон гапирмадим мен... Пул қистиряпман бўлмаса. Ўйинчига ҳам, ашулачисига ҳам беш юзталикдан қистириб қўйдим. Олимжон бир пиёли ичди-ю, ўчиб қолди. Касалнинг ўзи йўқ бўлгандан кейин уни тепасида уч кун ўтирармидим, сомсани столига қўйдиму, ортимга қайтдим. Тўғрими ахир? Нима деётгандим?..

Гапни олтита кудасига бурсамми ё зиёфатга деб андак ўйга чўмибман. Ортимдан машинанинг босиб-босиб чалган сигнали эшитилди.

— Ўтавермайсанми, кайфни учирмасдан! — Нўъмон ака қўли билан ўт-ўт дегандай ишора қилди.

Ойнадан қарасам, мелисанинг машинаси!

— Сени қувяпти, бос! — Нўъмон аканинг кайфи қаёққа учди билмадим, менга буйруқ қила кетди. — Борига бос! Етиб олса, ичволгансан, праванг кулоғини ушлаб кетади, бос! — Орқага юзланиб, бош чайқаркан, гапини давом эттирди. — Вой, аблаҳей, тўхта деб чироғини ўчириб ёқяпти, сигнал чаляпти, бўшашма, бос!

Ойнадан орқага қарасам, ҳақиқатан мелиса машинаси қувяпти. Ўнгга бурилсам ўнгга бурилади, чапга юрсам чапга. Ўалатилиги тезласам тезлайди, секинласам секинлайди. Устига устак, Нўъмон ака айтгандай, «Тўхта! Тўхта!» дегандай чироғини ўчиб-ёқадимией, сигнал чаладимией, калтагини ойнадан чиқариб силтайдимией!..

— Анови теракнинг олдидан чапга бурил! — Нўъмон ака тор кўчага имлади. — Сен бурилсан, аммо у ё теракка урилади, ё бурилолмай ўтиб кетади, кутиламиз.

Буйруғини сўзсиз адо этдим. Айтганидай, мелиса ортимиздан бурилди-ю машинаси теракка рўбарў бўлди. Машина унга зарб билан урилди, орқаси бир кўтарилиб тушди ва такка тўхтади. Милиционер кабинадан ўкдай отилиб чиқиб, жаҳл билан калтагини силтаб яна, «Тўхта! Тўхта!» ишорасини қила кетди. Тўхтаб эсимизни ебмизми!

Ака-ука шодон қўл ташлашиб, йўлимизда давом этдик. ГАИдан эсон-омон қутилганимизни қаерда ювиш масласини муҳокама қилишга киришдик.

Ҳа, айтганча, ўзи нима деягандим?



## АЛИЖОНМИ, ВАЛИЖОН?

Исмим — Алижон. Курилиш бошлиғининг ҳайдовчисиман. Бир куни хўжайин, «Тошкентга борамиз», деб қолди. Азонда соқолларни олиб, шимларни дазмоллатиб, янги дўппиларни кийиб шаҳарбоп бўлиб, уйдан чиқсам, машинам олдида бир киши турибди. Ёши элликларда. Гавдаси қовун солинган қопга, юзи кўпчиб пишган нонга ўхшайди.

— Ассалому алайкум, Валижон ака, — деди кўшқўллаб сўрашиб.— Яхши кетиб қолмаган экансиз, — у автоматдай тариллаб гапира кетди. — Учуйликман. Сиз бизга яқинда ишга боргансиз, мени танимайсиз. Аммо эккан пиёзим ҳақида эшитган бўлсангиз керак: хўжайинлар ўртасида талаш бўлиб кетгани бизга қарашли эди. Ўзиям косадай-косадай пиёз бўлганди-да. Энди шу пиёзнинг ўрнига сабзи эксам, деб келгандим.

— Қанақа одамсиз, мен...

— Яхшиликни унутмайдиган одамман, — у гапимни илиб кетди. — Сиз қилган яхшилик ҳам ерда қолиб кетмайди, йўқ деманг, жон Валижон ака! Худо бераридан қисмаса, кузда хурсанд қиламан.

Хўжайин уйда мени кутиб турибди, бунинг гапи тугамайди, тушунтиргани қўймайди.

— Сабзи эймоқчимисиз? Мен Валижон бўладиган бўлсам, экаверинг-э! — дедим жаҳл билан.

— Раҳмат, Валижон ака, раҳмат, — дея юзлари кўпчиган акам мени кузатиб қолди.

Тошкентда уч-тўрт кун юрдик. Қайтиб келсам, эшигим оғзида «акам» турибди.

— Яхши бориб келдингизми? — у қўллари кўксида давом этди. — Икки кундан буён келаман, «Тошкентга кетган», дейишади... Айтганингиздай қилиб, пиёзнинг ўрнини ҳайдатиб, экишга тайёрлаб қўйгандим. Э, битта Валижон деган адашингиз бор экан, «Экмайсан!» деб оёқ тираб туриб олса... «Ҳов, ўзлари айтган!» десам ҳам унамайди. Шунга бир оғиз тайинлаб қўймасангиз бўлмайди, Валижон ака.

— Экаман экан, хўжайин айтди денг! — дедим кулгимни аранг босиб.

— Бир гектар ерга сабзи экади, деб икки энликкина хат ёзиб берсангиз...

— Э, бир гектар ерга ҳам қоғозми! Экаверинг бориб! — дея қўл силтаб, уйга кириб кетдим.

Бу воқеа эсимдан ҳам чиқиб кетган экан. Кеч кузда томга ғўзапоя босаётсам, сабзи ортган юк машинаси келиб тўхтади. Кабинадан «акам» тушди.

— Ҳа, тинчликми? — сўрадим томда туриб.

— Улушингизни олиб келгандим, — деб жавоб қилди у қўли билан машинага ишора қилиб.

— Шошманг! — дедим-да, томдан тушиб, кўчага қараб юрдим. Афсус кечиқибман. Машина сабзини эшигим оғзига ағдариб, жўнаб қолибди.

Бола-чақа билан сабзини уйга ташиётсак, қўшним — Учуйнинг агрономи Валижон келиб қолди.

— Ҳа, Али, сабзи эканмидинг? — деб у бепарво сўради-да, жавобимни ҳам кутмай, уйига кириб кетди.

Сабзидан қоплаб уйига олиб кириб бердим — Валижон бўлгани учун.

## ТАБИБ

«Носир бува ўриқдан йиқилиб тушибди», деган гап жуда тез тарқалди. Қўни-қўшнилар, ўғил-қизлари, борингки, жамики қариндош-уруғлари тўпланди.

Носир бува етмишга кирганди. Уни устига ўриқдан ҳам йиқилиб тушди. Бу ёғи маълум-да.

Эркаклар бир-бирларига маъноли бош чайқашни, хотинлар мотамда кийиладиган уст-бошларини ҳозирлашни бошлашди. Бусиз мумкин эмас-да. Ахир ота етмишга кирган. Ўриқдан ҳам йиқилди. Сўрида инқиллашни ҳам жа ўрнига қўймоқда. Энди бу ёғи...

Фақат кампири — Чаман хола бепарво. Қариб мияси суюлиб қолган-да, шу паллада сигирининг канасини териш билан овора! Ўшиқдан ўртанчи ўғли — Акрамжон киргандагина у сал сергакланиб, жилмайганича бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Ота, ота, тузукмисиз? — Акрамжон отасининг тепасига бориб сўради.

— Иҳи! Иҳи! Иҳи! А-а-акрам, с-с-сенмисан? — бемор кўзини хиёл очди.

— Менман, ота, менман!

— Рози бўласан энди, — деб ота видолашгандай кўзини юмди.

— Э, қаёқдаги гаплар билан одамни кўрқитманг! — Акрамжон қўл силтади. — Ўриқдан йиқилганларнинг ҳаммаси ўлаверса — бу дунёда одам қолмасди!

— Сен олдин мен йиқилган жойни кўргин! — отанинг овози зардали, шу билан бирга дадилроқ янгради. Ҳатто қўли билан ўриқка имлади. — Ҳов, айридан йиқилдим.

— Э, у айри нима бўлибди! — ўғил ўрик томон юриб, шартта айрига чиқди. — Шу ердан йиқилдингизми?

— Ҳа, ҳа.

— Бу ердан йиқилган одам ўлмайди.

— Ўлади!

— Ўладими? Бўлмаса менам ўзимни шу ердан ташлайман, ўламан, биргалашиб кетамиз! Мана, қараб туринг! — деб Акрамжон ўзини ташламоқчи бўлди.

— Ҳай-ҳай-ҳай! — Носир бувага қайдан ғайрат топди, ўмганини кўтариб, қўл силтай кетди. — Ўлмайдиқан, ўлмайдиқан! Ташлама! Мана, мен ўлмадим-ку!

— Ўлмаса ҳам эт-бети лат ейди, ўн-ўн беш кун оҳ-воҳ қилиб, кўргани келганларнинг текин овқатини еб маза қилиб ётади! Менам бекорчиман, ота, ҳасратлашиб ётамиз. Қараб туринг!

— Йў-йў-йўқ! Лат ҳам емас экан, мана! — бемор ўрнидан даст туриб кетди. — Қара, ҳаммаёғим соғу саломат. Туш!

Акрамжон ўрикдан тушди. Кўни-кўшнилар, ўғил-қизлар, қариндошлар қўл силташиб жўнашди. Чаман холанинг қўли эса, Акрамжоннинг елкасига келиб тушди.

— Акрам, яхшиям сен борсан, болам. Билардим, отанг ўлмасди. Аммо оҳ-воҳ қилиб ётиб олардим, уч ой касал боқардим.

## МАЛОМАТ

«Гўрда ётибманмикин?»

Кўзини очиб, Соли пиённинг калласига келган биринчи савол шу бўлди. Атроф зим-зиё — йилт этган чироқ йўқ. Нафас олиб бўлмайди, демак, тирқиш ҳам йўқ. Аммо гўрда музлаши керак эди, исиб кетяпти-ю! Остида ҳам қуруқ тупроқ эмас, тўшак! Устида эса... Сий-палаб кўриб, униям кўрпалигига ишонч ҳосил қилди. Кўрпа бўлгандаям зилдай оғир кўрпа! Ё катта ҳурмат-эътибор кўрсатишиб, кўрпа-тўшак билан кўмишдимикан? Балки хотини яна бирор ёққа санғиб кетиб қолмасин деб, кўрпага ўраб, устига тракторни бостириб кўйдимикан?

Бош оғриғининг маълумотларига қараганда кеча тўйда бўлгани аниқ. Ҳа, Носир бўқоқ ўғлини уйлантирганди. Наҳорги ошдаёқ томоқ қичиғини қондиришни бошлади. Хотин оши, базмлар ҳам қуруқ ўтмади. Кейин, бу орада оғилга кириб, юмшоққина сомон устида «рекламная пауза» ҳам қилиб чиқди. Келин келиб, тўй ярим бўлганда яна даврада пайдо бўлди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган... Йиқилган шишадан, ағнаган маст кўп! Ёш-да, боласи тушмагурлар, хомлик қилишган.

«Шиша томди»ни тугаллаб, «стакан сиқти»ни энди бошлаганди, чироқ курғур ўчиб турибди-да! Ит эгасини, мушук холасини танимайдиган тўпалон бошланди. Энг алам қиладигани, энди келин-куёв столига навбат келганди! Келиннинг олдидаги қадахни олиб, куёвни-кига ағдараётганди, ё устидан стол босиб тушди, ё у столнинг устидан босиб тушди. Эмаклади, туртинди, суринди, кейин... Аниқ эслолмайди. Ёдида қолгани, қулоғи остида иккита кампирнинг шанғиллагани:

— Яхши бўлди, ёшлар тезроқ бири-бирининг қучоғига киради.

— Суюлмасдан кўрпаларни тез-тез солинг, ҳали замон келин-куёв келиб қолади!

Кимдир устига кўрпа ташлади. Кейин яна, яна, яна... Совқотиб қолмасин дейишдими, етти қават ташлашди-ёв ўзиям! «Қандай

меҳрибон одамлар бор-а дунёда!» деб ётиб пинакка кетиб қолибди. Уйғонса бу аҳвол!

«Наҳотки!..» Соли пиён калласига келган фикрдан сесканиб кетди.

Тепада ... Ҳа, етти қават кўрпанинг устида... Куёвбола хира шам ёруғида ёлғон ваъдалар билан келиннинг бошини, пастда эса, «Ўлиб қолмай, чиқишга уришиб кўрсаммикан?» деган фикрлар Соли пиённинг бошини айлантира бошлади.

— Қимирляпти! — деди тепада куёвбола бир сесканиб.

— Ҳазиллашманг! — келин нозланиб куёвни қучди.

— Е...е...ер қимирляпти!!! — куёв сакраб ўрнидан туриб эшик томон отилди.

Келиннинг қўлида эсдалик бўлиб унинг кичик шими қолди.

Соли пиён «дўзах»дан чиқиб келганда... Тепадаги «жаннат»да... Келин бола шимчани ғижимлаганча, ярим яланғоч ҳолда, шамнинг шундай остида, оғзини очганча қотиб ўтирарди. Бировнинг ҳасми деб тузукроқ қарамади ҳам!

Айланма кўчага етганда, бир яланғоч йигит ўқдай учиб, ёнидан ўтди.

— Қимирляпти! Қимирляпти! — деб хайқирганича кўздан ғойиб бўлди.

Бор гап шу. Электросетдаги «бўм-бўм»лар, «Тўйдан тўёна келмади», дейишиб чирокни ўчириб қўйишган, камига бефаросат кампирлар унинг устига чимилдиқ барпо қилишган бўлса, унда нима айб!?

Ўзи айтарли катта фалокат бўлгани йўқ: келин дудук, куёв «даранг!» деган овоз эшитса хушидан кетиб қоладиган бўлиб қолди, холос! Юраги ёрилиб ўлиб қолгани йўқ-ку! Шугина нарсага, «Ҳаммасига сен касофат айбдорсан!» дейишиб Соли пиёнга маломат қилишгани ортиқча!

## ЧАҚАҚИШЛОҚ ҲАНГОМАЛАРИ

### *Ҳикоячи ҳақида ҳикоя*

Аскиячи биродарларимиз Баҳодир Шокиров ҳамда Мансуржон Охуновлар билан Жиззахга бордик. Жа-а зўр концертлар ўтказдик. Концертдан кейин меҳмонхонада дам оладиган бўлдик. Паспортларимизни меҳмонхона ходимасининг олдига ташлаб:

— Уччовимизга битта хона берсангиз, — дедим.

Ходима паспортларимизни бир-бир варақлаб:

— Уччовларингни битта хонага қўяолмайман, — деди кошларини чимириб.

— Нега? — баравар савол бердик.

— Битталаринг хотин киши-ю... Никоҳ қоғозларинг йўқ, — деб ходима паспортларимизни узатди.

Қарасак... Мен ўзимнинг паспортим қолиб, хотинникини кўтариб келган эканман.

Ана шу ўзиники қолиб, хотинникини кўтариб юрадиган Чақақишлоқнинг энг олди йигити — ҳикоячингиз, Содикжон Ҳасанов биз бўламыз!

### *Энг гўзал эркак*

Бунисиям ўзимиз. Мана мен деган рассомлар ҳам тасдиқлайди буни. Ишонмасангиз, халқаро карикатураси-рассомлар танловида ўндан ортиқ «Олтин медал»ни қўлга киритган Маҳмуджон Эшонкуловдан сўранглар.

Учрашувлардаги чиқишларим Маҳмуджонга жа-а маъқул келиб кетибди-да. «Сизнинг шаржингизни чизаман! «Муштум»да босамиз!» деб қолди. «Шарж деганларингиз қанақа бўлади?» дея сўрадим. «Расмингиз ўзингизга ўхшайди-ю, бир-иккита кулгили деталлар қўшилади», жавоб қилди Маҳмуджон. Рози бўлдим. Рассом боласи тушмагур мени столга ўтказди. Авареядан кейин юзимда пайдо бўлган чандиқларга ўнг томонимга ўтиб қаради, чап томонимга ўтиб

қаради, иягимни қўтариб қаради, бўйнимни эгиб қўйи-иб қаради!  
Сўнг хафсаласи пир бўлиб деди:

— Сизнинг шаржингизни чизиш шарт эмас экан. Расмингизни ўзини шундай бериб юборса ҳам шарж бўлавераркан!

### *Чақа деганлари қаерда?*

Фарғонада бу саволни берсангиз, чақақишлоқликлар-нинг ўзлари шундай жавоб беришади:

— Учкўприқдан Палохонга қараб юрсангиз, йўлнинг бўйида иккита пақир қўтарган битта хотин туради. Ана шу хотиндан ўтиб ўнгга бурилсангиз — Чақа!

### *«Чақа» нима учун Чақа?*

— Бунинг тарихи «Йигирма олти» деганлари бир сўму йигирма олти тийин бўлиб, дўконлардан босилиб ётган даврга бориб тақалади, — чақалик, ўзи аравадай, аммо овози аёлларникидан ҳам ингичка Райим кўрқоқ тушунтира кетади. — Ривоят қилишларича, қўшни қишлоқлик олтига сўтакдан бир сўм йигирма тийин чиқибди-ю, олти тийинга келганда олтовининг кўзи олти томонга қараб қолибди. Ўзи улар сўм топиб барака топмаганлардан-да! Шунда биздан чиққан бойвачча олтовига мағрур боқиб, «Чақаси биздан!» дея нақд олти тийинни сўрига отган экан! Шундан буён қишлоғимизнинг номи — Чақа!

### *Маданиятнинг кириб келиши*

Маданият қишлоғимизга тў-ў-ў-ғри қўшни тумандан кириб келган.

Ҳалим бўқоқнинг ўғли Салим бўқоқ уйланадиган бўлиб қолди. Келин томон, жа-а, муруватли эканми, сарполар ичига галстук ҳам қўшиб жўнатишибди-да!



— Катта давраларда юрасиз, ака, боғлаб беринг! — деб сўпи азон айтмасдан Салим бўқоқ келиб қолди.

Ўйлаб кўрсам, галстуклиларнинг ичида юраверган эканману, бирор марта ўзим тақиб кўрмаган эканман.

— Хо-о-о-в, қишлоқнинг чеккаси районда ишлайдиган Хусан галстук бор. Галстугини ечмай ухлайди дейишади. Ўша бойлашни билиши мумкин, — дедим-да, Салим бўқоққа куёвлиги хурмати ўзим йўл бошладим.

Хусан галстук дардимизни эшитгач, чуқур эснади. Сўнг майка устидан тақилган галстугининг учидан ушлаб туриб деди:

— Галстукни сотиб оламан, сотувчига боғлатаман. Шу бўйи тугини бўшаб кетгунича, тешигидан калламни киритиб-чиқариб юравераман!

Вей, ишонасизларми, галстукни кўтариб бутун қишлоқни айланиб чиқдик — боғлашни биладиган битта одам тополмадик! Яхшиям кўшни тумандан, пахта култивациясига ёрдам бергани келган тракторчи бор экан, ўша боғлаб берди.

### *Хотинни хафа қилган тасма*

Муҳиддин Дарвешов номидаги театр-студияси ташкил қилинган, биз иштирокчилар ҳаммамизга биз хил қилиб костюм-шим сотиб олдик. Ве-ей, бизга ҳам ярашар экан қоп-қора костюм-шимлар, оппоқ кўйлақлар!.. Тасмасини айтмайсизми: боғи тоза чармдан, муштдай, кумишсимон тўқаси кўзни олади! Уйга бу формада кириб келганимни кўриб, хотин бақа бўлиб қотиб қолди. Аммо... Қурғурни тақаётиб тилини тешигига киритгандим, «чирк» этиб ёпилганди, шу уринаман ечиб бўлмайди-да тўқасини! Хонамга кирволиб, ярим кечагача уриндик, хотин билан, ечилмайди, лаънати!

Хотиннинг, ҳам хафласи пир бўлди, ҳам жаҳли чиқди. Сўнг зарда билан деди:

— Шуниям сизга кириб чиқмайдиган — бузуғини беришибди!

### *Уйимдаги бегона эркак*

Янги костюм-шимларни кийиб, эрталаб ишга кетаман, кечкурун мағрур уйга кириб келаман. Унча парво қилмагандим, аммо мени бундайин пўрим ҳолатда кўрмаган ҳамқишлоқларим аҳамият беришибди костюм-шимимга!

Лой кечиб, маккага сув қўйиб, даладан келаётсам, Абдурайим сассиқ чойхона олдида четга тортди:

— Уч-тўрт кундан буён қора костюм-шим кийган бегона эркак уйинга кириб-чиқиб юрибди, хотинингга эҳтиёт бўл!

### *Абдулла бақироқ*

Қишлоғимиздан чиққан энг катта одам — Абдулла бақироқ колхозда партком бўлиб ишлашган. «Вильс» машинаси бўларди. Маккажўхоризорнинг олдига келдими, машина тўхтар тўхтамас ундан Абдулла бақироқ отилиб тушарди. Сўнг қўлларини оғзига варонка қилиб туриб, жўхоризорга қараб бақирарди:

— Хо-о-ов, ўғрини ушла! Ушла-а-а, ўғрини!

— Ҳеч ким кўринмайди-ю!? — дедим.

— Бу бақирикдан кейин кўринмаганлари ҳам қочади-да!

Бир куни одатдагича:

— Ҳо-о-ов, ўғрини ушла! Ушла-а-а, ўғрини! — деб бақиритган экан, жўхоризордан ярим қоп сўтани орқалаб хотинлари чиқиб қолибди. Хотинини кўлидан ушлаб, орқаларига ўтказишибди-да, яна хитоб қилармишлар: — Қолганларини ушла, қолганларини!

### *Кимлигини айтмайман!*

Абдулла бақироқ ҳар куни азонда колхоз радиоузелидан чиқиш қиладилар. (Ўзи аслида радиога чикмасдан, ҳовлига чиқиб гапирсалар ҳам етарди — бутун колхоз эшитарди) Уч-тўрт марта чиқиш қилишгандан кейин, акамизнинг лақаблари яна биттага ортди — Абдулла кимлигини айтмайман.

— Ҳурматли ўртоқлар! Колхозимизда ҳаммамиз учун қимматли бўлган тут баргини мол-қўйларига берадиган текинтамоқлар кўпайиб кетди. Бундайларни фош қилишимиз, жазосини беришимиз керак! Мана, масалан, кимлигини айтмайман, кўз-кўзга тушса хафа бўлиши мумкин, Узункўчанинг охирида яшайди, Умматалининг қўшниси, кимлигини айтмайман! Яна уйи катта кўприкнинг ёнида, 66-25 машинани минади, кимлигини айтмайман!

## МУНДАРИЖА

1. Қўшнилари
2. Эзма
3. Моллар
4. Индамас
5. Ҳайдарчилик
6. Бизни ҳамма танийди
7. «Стоп, тўхтатилсин»
8. «Кўриб турибман»
9. «Қуллуқ бўсин»
10. Ёнғоқ-ёнғоқ
11. Танишув
12. Сўлим
13. «Вредност»
14. Аломат
15. Шўртик
16. Ўртар
17. Жим жима
18. Тадбиркорлик
19. Ўғрилари тўғрилар
20. Хўкиз меҳмонлар
21. Алижонми, Валижон?
22. Табиб
23. Маломат
24. Чақақишлоқ хангомалари